


Турдибой Эргашев

ОМАМТБУТБ

ИЗЛАРИТБУИ ИЗЛАТБ...

Лавҳалар, хоттиралар, очерклар



«ФАРҒОНА» нашриёти,
2012 йил

76.01 - Журналистика
84(59)7 - 978. адаб.

УДК: 821.512.133-43

КБК: 76.01+84 (5Ў) 7


Э 74

Эргашев, Турдибой

Отамнинг изларини излаб/ Лавҳалар, хотиралар, очерклар.
Т.Эргашев. – Ф.: «ФАРФОНА» нашриёти, 2012 й. – 64 б.

Масъул муҳаррир: Тошқўзи Муллаев

Бир умр ота дийдорини кўрмаслик – тенгсиз армон. Турдибой Эргашевнинг қўлига нафақат ушбу армон, балки она-юртга муҳаббат, бугунги озод ва обод замонга шукроналик туйғулари ҳам қалам тутқазган. Рисола билан ганишиб чиққан одам айнан шундай хулосага келади.




УДК: 821.512.133-43

КБК: 76.01+84 (5Ў) 7

ISBN 978-9943-349-31-5

© «ФАРФОНА» нашриёти, 2012

© Турдибой Эргашев



HD 40653
0

ЯҚИН ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Бешариқ туманининг Гамбай қишлоғида яшовчи темирйўл транспорти соҳаси фахрийси Турдибой Эргашев ўзининг «Отамнинг изларини излаб...» деб номланган рисоласини нашрга тайёрлади. Асарда шўролар ҳукмронлиги даврида мулкдорлар, ҳунармандлар, тадбиркорлар, ўртаҳол деҳқонларнинг синф сифатида қатагон қилиниши, бу мудҳиш сиёсатнинг оқибатлари ҳақида сўз боради.

1930-1937 йилларда СССР Ички ишлар халқ комиссари, «Темир нарком» номини олган Николай Елшовнинг «Собиқ кулоқлар, жиноятчилар ва советларга қарши бошқа унсурларни қатагон қилиш операцияси тўғрисида»ги 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруғи қиргин-барот ишларга асос қилиб олинган бўлса-да, аслида бу ҳукумат раҳбари Сталининг шахсий кўрсатмаси бўлганлиги ҳаммага аён.

Асарда 1930 йили Гамбай қишлоғида колхоз тузили масаласида бир кунда учта маҳаллада йиғилиш бўлганлиги тасвирланади. Бу йиғилишларни район ижроия қўмитаси раҳбарлари ва НКВД бошлиқлари олиб боришади. Камбағал деҳқонлар сўзга чиқиш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлади. Ана шундай кимсалар, «Колхозни ташкил қиламиз», «Мен колхозга аъзо бўлиб қираман», деб жас соладилар.

Каримқулбой, «Мен колхозга кирмайман!» деб йиғилишдан чиқиб кетади. НКВД бошлиғи уни нишонга олган эди. Уша кунни ўн учта мулкдор бор-будини олиб, ер-мулкни ташлаб қишлоқдан чиқиб кетади.

Икки кундан кейин Каримқулбой рафиқаси билан бирга Ўшга йўл олади. Шу кунни кечаси ўғли Бўрибой хотинини ва қизини олиб тоғ йўли орқали Қирғизистоннинг Усмонли деган қишлоғига жўнайди. Афсуски, Каримқулбойнинг кичик ўғли Эр-

Отамнинг изларини излаб гашибой қочиб кетишига улгуролмай қолади. Тун ярмида орган ходимлари уни хотини билан бирга олиб кетадилар. Улар Озарбайжон Республикасига сургун қилинади. Дастлабки йилларда сабзавот маҳсулотлари, мева етиштириш ишларини бажарадилар, кейинги йилларда пахтачилик билан шуғулланадилар.

Эргашибой Каримқулбой ўгли тўрт йилдан кейин сургундан қочиб, отасининг олдига, Ўшга ўтиб кетади. Отаси билан қўришади. У 1934 йили она қишлоғига қайтади. Колхозга кириб, пахта етиштириш соҳасида ишлайди.

Ўқувчи китобдан эсой олган хотиралар, очеркларни тўлқинланиб, ўзгача бир ҳаяжон билан ўқийди. Ота нелигини ҳали англаб етмаган, унинг меҳрига қонмаган уч ойлик Турдибой йиллар ўтиб камолга етади. У отасининг ҳоқи қаерда эканлигини аниқлаш, ўша заминдан бир ҳовуч туuproқ олиб келиб, қайта дафн этишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Асарни ўқир экансиз, унинг Озарбайжон, Грузия заминида, Москванинг гарбий-шимолий ҳудудларига, кейинги сафар эса Шимолий Кавказдан Эльбрус тоғи этагигача борганлиги, Украинанинг Херсон, Николаев областларидаги қабристонларни кўздан кечирганлигидан воқиф бўласиз.

Айтиш жоизки, ушбу асар баъзи бир жузъий камчиликларидан қатъий назар, яқин тарихимизни реал акс эттирганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Эркинжон МАҚСУДАЛИЕВ,
ОЛИМ.

ФАХР – ИФТИХОРИМИЗ

Ўтган йили Республикамиз мустақилликка эришганлигининг 20 йиллигини ғоят зўр кувонч билан нишонладик. Мана шундай шодиёна дамларда истиқлолга қандай эришганлигимиз ҳақида чуқур ҳаёлга берилади киши.

Дарҳақиқат, юртимизда мустақиллик Марказий Осиё республикалари ўртасида қандай қилиб биринчи бўлиб қўлга киритилди?

Маълумки, мустақиллик совға қилиб берилмайди, у курашларда қўлга киритилади. Юртимизда бу йўлда озмунча одам қурбон бўлдими, озмунча бегуноҳ кишиларнинг қони дарё бўлиб оқди? Озодлик учун курашган минглаб ватанпарвар ҳамюртларимиз олис ўлкаларга сургун қилинди, чидаб бўлмас қийноқ ва азобларга, хўрликларга дучор этилди, отилди, осилди. Халқимизнинг асл фарзандлари Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитратлар кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ваҳшийликларнинг қурбони бўлдилар. Ҳурматли аябимиз Саид Аҳмад ҳам (худо раҳмат қилган бўлсин) катағон даврининг барча азоб-укубатларини бошидан кечирган эди. Уларнинг муборак номларини ҳамиша ҳурмат билан тилга олиш, хотираси олдида бош эгиш – тирикларнинг бурчидир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг озодлик йўлида жон фидо этганларнинг хотирасини эъзозлаш, уларнинг номларини оқлаш борасида кўп ишлар қилинди. Шахсан мухтарам юртбошимиз И.А.Каримовнинг Фармонига биноан 31 август «Қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиш куни» қилиб белгилангани, муаззам Тошкент шаҳридаги Бўзсув канали бўйида «Шаҳидлар хиёбони» барпо этилгани ана шу хайрли ишлар-

нинг бошланиши бўлди. Катағон қурбонлари орасида отамиз ёки амакимиз, тоғамиз ёки бошқа бирор қариндошларимиз бор. Уларнинг бемаврид тўкилган қутлуғ қонлари бизни хушёрликка ундайди, бу ёруғ оламни ҳеч қандай айбсиз тарк этган ватандошларимиз хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Президентимизнинг узокни кўзлаб олиб бораётган одилона сиёсати, танлаган ислохотлар йўлининг нақадар тўғри эканлигини ҳаёт исботлаб турибди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора ортиб бораётганлигини жаҳон жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этмоқда. Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, юртимиз аҳли халқ хўжалигининг барча соҳаларида эмин-эркин меҳнат қилмоқда. Ёшларнинг ўсиб, вояга етишлари, ўзлари хоҳлаган касб эгаси бўлишлари учун барча шароитлар яратиб берилган, улар ҳатто хорижий мамлакатларнинг нуфузли илм даргоҳларида ўқишяпти.

Юқорида озодликка эришиш йўлида катағонга учраган ватандошларимизни ёдга олдик. Улар айнан ҳозирги фаровон кунларимизни орзу қилишган, шундай давр келишига ишонилган, умид боғлашган. Биз ватан озодлиги йўлида шаҳид кетган фидойи зотларнинг номларини қалбимиз тўрида асраб, мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги сари дадил қадам ташлаб бораверамиз.

ЗИЁРАТЧИЛАРНИНГ ҚАЛЬ СЎЗЛАРИ

Тошкент шаҳрининг Юнусобод тумани ҳудудидаги Бўзсув канали бўйида маҳобатли бино қад кўтарган. Унга мамлакатимизнинг турли вилоятларидан, чет давлатлардан экскурсиячилар, зиёратчи-томошабинлар узлуксиз келиб туринади. Бу бежиз эмас. Қаламга олинган иншоот «Қатағон қурбонлари хотираси» музейидир. Биз бино эшиги олдида бир гуруҳ аёллар билан саломлашдик. Улар аслида Фарғона вилоятида яша-

ган кишиларнинг авлодлари бўлиб, турли сабабларга кўра Қирғизистоннинг Ўш вилоятига кетиб қолишган экан.

– Боболаримиз ва оталаримиз қатағон қилинган эканлар, – дейди Ҳафизахон Абдуназарова. – Биз уларнинг суратларини кўриш, ўзлари ҳақида маълумотлар олиш мақсадида ушбу музейга келдик.

– Ана шундай сайёҳлар, томошабинларни кўплаб мисол келтириш мумкин. Дарҳақиқат, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларидан келган юзлаб зиёратчиларни, улар каторида ўқувчилар ва талабаларни учратдик. Бинобарин, улар бу масканга қатағон қилинган оталари, боболари, қариндош-уруғлари ҳақида маълумотлар олиш, сайёҳлар эса музейдаги тарихий осори-атиқаларни томоша қилиш, ноёб обида бўлган мазкур қурилмани кўздан кечириш учун келадилар. Биз оталари, боболарининг расмларига бокиб, кўзларидан ёш оқаётган, ўпкалари тўлиб йиғлаётган кишиларни кўрдик.

Мана, бир гуруҳ зиёратчилар Чўлпон, Боту, Абдулла Қодирийнинг суратларига караб туришибди. “Булар мангу барҳаёт кишилардир, – дейди бир нуроний отахон, – мен Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романиларини ўн марта лаб ўқиганман. Улуғ адиб бу асарлари билан ўзига ҳайкал яратиб кетган.

Нарироқдаги томошабинлар шоир Ботунинг тўйида кийган тўни, кўйлаги ва этигини кўздан кечиришяпти. Улуғ шоир бу кийимларини атиги бир марта кийгандан кейин хибсага олинган ва сургун қилиниб, отиб ташланган. Оташин шоир Чўлпоннинг тақдири ҳам ана шундай кечган.

Марғилонлик шоир Жалолхон Машрабий, яйпанлик адиб Шерайи Тошматовлар ҳеч қандай айбсиз ўн йилдан муддатга қамаб юборилган. Экспонатлар билан тапишиб, сон-саноксиз колхоз раислари, агрономлар, бригадирлар, колхозчилар қатағон қилинганликлари ҳақида маълумотларга эга бўласиз.

Дарҳақиқат, СССР ички ишлар халқ комиссари Н.Ежовнинг

буйруғига асосан минглаб раҳбарлар ва ўртаҳол деҳқонлар катағон қилинган ёки отиб ташланган эди. Бу шафқатсизликлар уларнинг фарзандлари, уруғ-аймоқларини қон йиғлатган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган. Аниқ қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 октябрдаги 387-сонли қарори бу ишга асос бўлди. Президентимизнинг 2008 йил 5 майда қабул қилинган қарорига асосан музей биноси қурилиши жадаллаштирилиб, экспозиция кенгайтирилди ва тубдан яхшиланди. Тўрт гумбазли иншоотда экспозицияга мослашган учта зал ва ертўла қисми мавжуд. Музей 2002 йил 31 август кuni тантанали равишда очилиб, ишга туширилган. Бу ерда қирқдан зиёд ходимлар, шу жумладан турли илмий даражаларга эга бўлган мутахассис-олимлар ишлашади.

– Музейимиз ва унинг ихтиёридаги кутубхона илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун асосий манба тарзида муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Қатағон қурбонлари жамияти раиси, музей директори, тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёржон Ҳасанов. – Кутубхонадаги нафис асарлар, экспозициямиздаги кўргазмалар ва ҳужжатлар яқин тарихимизни акс эттирувчи ноёб манбалардир.

Бу ҳақ гап. Музейга кираверишдаги залда «Газ 11–73» русумли енгил машина турибди. Сўраб билишимизча, ушбу машина шўролар ҳукмронлиги даврида НКВД деб номланган сиёсий идора ходимларига хизмат қилган экан. Идора ходимлари қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларни, буюк зотларни тун қуйнида оилалари бағридан ана шундай машиналарда олиб кетиб, темир панжарали зах хоналарга ташлаганлар, узок жойларга бадарға қилганлар, ёхуд отиб ўлдиришга буйруқ берганлар...

ҚИШЛОҒИМ – ВАТАНИМ

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам «Ватанни севмоқ иймондандур» деганлар. Улуғ зотнинг бу сўзлари барча мўминларни ватанни севиш, унинг ҳар бир қарич ерини обод этиш ва муҳофаза қилишга даъват этади. Зеро, камина Ватанни севиш, уни обод ва кўркам қилиш жараёнида уни улуғлашни асаримнинг ғоявий йўналиши деб белгиладим.

Мен ёруғ дунёга келиб мўътабар Ватаним бағрида улғайдим, она заминда етиштирилган бири биридан хуштаъм, анвойи неъматлардан баҳра олиб улғайдим. Фуқаролик бурчим юзасидан юртим сарҳадларини кўриқладим. Ижтимоий меҳнат билан шуғулланган ярим асрлик давримда диёримизнинг муҳташам шаҳарлари, гўзал жойлари бўйлаб кездим, сиҳатгоҳларида хузур қилиб дам олиб саломатлигимни мустаҳкамладим. Айтинг-чи, фуқаро ҳукуки давлат томонидан ҳимоя қилинадиган, эркин меҳнат шаронти яратилган, фаравон яшаш ва дам олиш имтиёзи яратилган бундай диёрда тинч-осойишта яшаётганлик учун шукур қилмай бўладими?

Баҳори эрта бошланадиган, ёзи иссик, кўйингки, дехқончиликка қулай бўлган бундай ўлка ҳеч ерда йўқ. Дехқонларимиз, ота-боболаримизнинг яратувчанлик ишларини давом эттириб, ғалла, пахта, сабзавот экинлари, боғ-роғлардан юқори ҳосил олаётганликларини таъкидлаш жоиз. Ғалла ва пахтадан, бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириладиганлиги мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Олтиарқ узуми, Қува анори, Андархон қовунининг таърифи дунёга ёйилган. Минг-минг тонналаб узум, анор, ўрик, майиз, ёнғоқ сингари нодир ноз-неъматлар Қозоғистон, Россия ва бошқа давлатлар аҳолисига етказиб бериладиганлиги

Отанинг изларини излаб халқимизнинг саховатпешилиги ва тадбиркорлиги ифодасидир. Биз эса фарзандларимиз, чевара-чевараларимиз билан ана шу неъматларни тўйиб истеъмол қиламиз. Ҳа, биз шундай саховатли заминнинг фарзандимиз.

Мен тупрок чангитиб улғайган, экин ерлари, боғ-роғларида меҳнат қилган она-кишлоғим – Гамбайни ўз уйим, ўз ҳовлимдай кўраман. Шу маънода ватанимизнинг сарҳадларини она-заминимиз деб биламан. Ҳар гал оила даврасида тукин дастурхон атрофида йиғилганимизда Ватанини севиш, унинг ҳар қарич ерини обод қилиш зарурлигини фарзандларим, не-вара-чевараларимнинг қулоқларига қуяман. Мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқозишда уларга бош бўламан. Дастурхонимиздан ўрик, олма, бодом сиғари мева-чевалар қанда бўлмайди. Фарзандларим, невараларим мўл-кўлчилик бағрида, хузур-ҳаловатда яшамокдалар.

Бунинг боиси ҳовли-жойини обод қилиш, мевали дарахтларни ўстириш ва улардан юқори ҳосил олишдир. Уч юз саксонга хўжалик хонадонини мавжуд бўлган кишлоғимизнинг меҳнаткашлари соҳибкор деҳқонлар эканлигини таъкидлаш ўринли. Биргина бизнинг ҳовлимиздагина эмас, аксарий ҳовлиларда тоқ чиройли ишқомларга кўтарилган. Узум ишқомларда ноябрь ойи охиригача туради. Айрим соҳибкорлар олтиарқликлардан ибрат олиб, узумни целлофан ва брезент ёпқичлар остида январь ойигача ҳам сақлайдиган бўлишди.

Зеро, Аллоҳ одамзотни яратганда, она ерни тўйинтириш, ундан ризқ-насиба ундиришни унинг бурчи қилиб белгиланган экан. Шу маънода ҳовли-жойларини жаннатмақон киёфага киритаётган, далаларда тут ва бошқа дарахтларни яшнатаётган меҳнатсевар кишиларни кўплаб мисол келтириш мумкин. Тўхтабой Эргашев, Абдуқодир Маматов, Нўъмонжон Қўчқоров, Маҳмудали Азимов, Раҳимжон Абдуллаев, Максудали Йўлдошевлар ана шундай фазилатли инсонлардир.

Хўш, Гамбай кишлоғи қачон ва қандай қилиб ташкил этил-

ган? Энди ана шу савол устида тўхтайлик. Она-юртимиз ўз тарихи мобайнида кўплаб босқинчилик хуружларини бошидан кечирган. Мелодий VII асрда Кутайба бошчилигидаги араб лашкарлари, XII асрда Чингизхон етакчилигидаги мўғул аскарларининг истилочилик юришлари мобайнида одамларни ёппасига кириш, гўдакларнинг конини тўкишдай исели кўрилмаган хунрезликлар амалга оширилди. Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннаҳр ва Хуросонда хонликлар ўртасида тож-тахт талашини авж олиб кетганлиги тарихдан маълум.

Бундан ярим аср илгари Машукур бува, Одилвой бува, Парпивой бува, Йигитали бува сингари саксон-тўқсон ёшли қариялар яшаб ўтишган. Уларнинг айтишларича, Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти худудида Дембой номли аҳоли пункти бўлган экан. Бу ер ҳам хонликларнинг тахт-тож талашинлари, ўзаро жанжаллари исканжасида қолган бўлса, ажаб эмас. Уруғ бошлиқлари маслахатлашиб, бор-будларини арава, от ҳамда эшакларга юклаб келиб мана шу манзилни кўналға қилган эканлар. Яна бир неча оилалар яшаш учун жой кидириб то Қашқаргача кетаверишган. Кўчманчилар бу маскани она кишлоклари номи билан «Дембой» деб атаган эканлар. Тахминларга кўра, аслида кишлоқнинг номи «Донга бой» деган маънони англатар экан. Кўчиб келганлар «Дембой» деб талаффуз қилган бўлсалар-да, бора-бора «Гамбай» тарзида ишлатила бошланган. Қарияларнинг айтишларига қараганда, кишлоқ тўрт юз йиллик тарихга эга.

Шуни айтиш керакки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида юз берган очарчилик, қаҳатчилик Гамбайни ҳам четлаб ўтмаган. Коллективлаштириш даврида қирқдан ортик хонадон соҳиблари қатағон қилинган бўлса, очарчилик оқибатида ундан кўпроқ оилалар турли томонларга кўчиб кетганлиги ҳақиқат.

Ҳамкишлоқларим яхши замонларни ҳам, оғир кунларни ҳам бошларидан кечирганлар. Шу тарзда кишлоқ гоҳ обод бўлиб, гоҳ харобага айланган. Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги

Отамнинг изларини излаб шарофати билан қишлоқларимизнинг шаҳар кўринишига эга бўлишларига замин яратилди. Мустақилликка эришганимиздан буён фуқароларга, ёш оилаларга уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилмоқда, ҳар жиҳатдан қулай бўлган турар-жойлар қуриб бериляпти. Бу ишларда қишлоқ оқсоқоли Расулжон Шодиев, унинг ёрдамчиси Бердали Рўзиевларнинг амалий ёрдамлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Турмуш фаровонликлари ошиб бораётганлиги боисидан гамбайликлар уйларини мухташам қилиб қайта қурмоқдалар. Қишлоғимизда кейинги йилларда саксонта оила вужудга келганлигини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда Сувбоши, Боғча, Кунчиқар, Ўрикзор номли тўртта маҳалла мавжуд.

САХОВАТЛИ ҚАЛЬ СОҲИБЛАРИ

Қариялар ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Гамбайда икки юз элликтага яқин хонадон бўлганлигини айтишган экан. Қишлоғимизнинг тўртта маҳалласи бўлганлиги маълум. Аҳолининг етмиш фоизини ўртаҳол деҳқонлар ташкил этганлиги манбаларда қайд қилинган. Лекин оз ерли ёки ерсиз камбағал деҳқонлар ҳам, бошқа жойлардаги сингари ўттиз беш, қирқтага яқин катта ер эгалари, мулкдорлар ҳам бўлган. Яқин йилларда ҳам, мўйсафидларнинг палончи бойнинг шунча таноб ери, шунча оти, шунча ҳўкизи, шунақа корхонаси бор эди, деган гаплари қулоғимизга чалинарди.

Биз болалик чоғларимизда қишлоғимиз бойларининг юрт ишига камарбаста, саховатли, камбағал деҳқонларга қайишадиган, бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзадиган кишилар бўлганликлари ҳақида илиқ гаплар эшитганмиз. Улар йўллар очар, кўприклар қуради, ариқлар қаздириб, қишлоққа сув олиб келишар экан. Қўш ҳўкизлари билан камбағал деҳқонларнинг ерларини ҳайдатиб, экин-тикин ишларида амалий ёрдам бе-

риш мулкдорларнинг фазилатларига айланганлиги эътирофга лойиқ. Қишлоғимиз аҳолиси бойлар кўмагида тинч ва осуда ҳаёт кечирар экан. Иморат қуриш, ер ҳайдаш, экин-тикинларни йиғиштириш ишларида халқ ҳашари қўл келган.

Бир дехқонга уй қуриш учун бўладиган ҳашарда юздан зиёд кишилар қатнашар экан. Бир кунда иморатнинг девори тикланиб, томи ёпилар, ҳатто лойсувоғи қўлдан чиқариларкан. Боболаримиз ҳашар йўли билан суғориш шохобчаларини очишган. Зах қочирадиган зовурлар қазишган. Йўл кирғоқлари, арик ва зовур бўйларига мевали, манзарали дарахтлар экиб, уларни асраб-авайлаганликлари таҳсинга лойиқ. Далаларда сон-саноксиз ўрик, олма, шафтоли, ёнғоқ, жийда сингари дарахтлар мева берган. Боболаримизнинг айтишларига қараганда, дехқонлар далалардан бешта-ўнта канор қопда жийда териб, қуришиб олишарди. Ўтган-кетган йўловчилар ҳам ана шу мевалардан истанларича ейишган, уйларига олиб кетишган.

Бинобарин, ҳовлилар ва далалардаги мевали дарахтлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида юз берган очарчилик кезларида аҳолининг эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этган. Мен билан тенгдош бўлган ҳамқишлоқларим очарчилик йилларида бир ҳовуч жийда, пича олмакоки ёки беҳиқоқини еб далада ишлаган кишиларни билишади. Ночор одамлар «Тут пишиғига етамизмикан?», «Пишиқчиликка етамизмикан?» деган орзу-истаклар билан кун кечиришган.

Аллоҳ бандаларини пишиқчилик кунларига етказаверди. Қаҳатчилик даврида нон ёки мазали таом емаган одамлар кўп бўлган. Ҳўл ва қуруқ мевалар нон ўрнини боса олмаган бўлса ҳам, одамларни очлик оқибатида йиқилиб қолишдан, ўлимдан сақлаб қолишда бакор келган.

Ҳўш, экин ерларига сув олиб борган, дехқончиликдан юкори ҳосил олган, далаларда сон-саноксиз мевали дарахтларни яшнатганлар кимлар эди дерсиз. Улар қишлоғимиздаги ер эгалари, мулкдорлар эди. Бу саховатли кишилар бир-бирларидан,

Отамнинг изларини излаб атроф-теварақдаги мулкдорлардан ибрат олиб, хайрли амалларга қўл урар эканлар.

Савобли ишларни қилишда ташаббускорлиги, камбағал-деҳқонларга ғамхўрлик фазилатлари билан обрў қозонган бобом Каримкулбой кишлоғимизнинг энг йирик бойларидан бўлган экан. Унинг Гамбайда икки юз таноб экин ери, атроф-теварақдаги кишлокларда, хатто Рапқон, Нурсух кишлокларида шולי майдонлари бўлганлигини эшитганман.

Отамнинг отаси бўлмиш бобом Каримкулбой рафикаси Тўлғоной момом билан инокликда турмуш кечирган экан. Уларнинг Бўрибой ва Эргашбой исмли ўғиллари, Қурбонбиби деган қизи бўлган. Бобом меҳнатсеварлиги, мохир деҳқонлиги билан тилга олинаркан. У ер хайдаш, экин экиш мавсумида далаларда бўлар, ўғилларини ёнига олиб хўкиз қўшилган омочда ер хайдар, сочма килиб буғдой сепаркан. Ўғиллари ҳам ота билан басма-басига меҳнат қиларканлар. Тўлғоной момомиз хизматкорлари билан биргаликда кунига тўрт-беш тандир нон ёпар, таомлар пиширар, уларни даладагиларга етказиб бериш билан машғул бўлар экан.

Қишлоғимизда бобомни кўрган, унинг туз-намагидан тотган, яхши фазилатларидан баҳраманд бўлганлар кўп эди. Ана шундай кишилардан бири Деҳқонбой тоға болалик чоғимда менга бобомни таърифлаб берган эди. Унинг: «Бобонг узун бўйли, котмадан келган, очик чехрали, хушмуомала одам эди...» деган гапи юрагимга муҳрланиб қолгандай.

Қишлоғимизда халқимизнинг ноёб меъморчилик санъати услубида бунёд этилган мухташам масжид бўлган. Унинг қуриб битказилиши бобомнинг номи билан боғлиқ. Айтишларича, бобом масжиднинг пойдевориغا биринчи тош қўйилишидан бошлаб, унинг бунёд этилиши ва ранг-баранг бўёқлар берилишида қурилиш материаллари билан таъминлаган ҳолда, иш жараёнида бош-қош бўлган. Шунингдек, Аллоҳнинг уйи, юртнинг нодир мулки бўлган масжидни вақти-вақтида таъмирлаш, уни асрашда

бошқаларга ибрат намунасини кўрсатган экан.

Ўтмишда окин сув таъминоти оғир муаммо бўлиб келганлиги тарихдан маълум. Қишлоғимиз, ҳатто туманимиз ана шу муаммодан четда қолмаган. Мулкдорлар юртга окин суви олиб келишдай эзгу ишни бошлашибди. Ана шу пайтда ҳапалаклик Исомиддинбой ўғли Ражаббой, Курка қишлоғилик Мадийёрбойлар ариқ казиб, Равот дашти орқали сув олиб келганликлари ҳақидаги гаплар атрофга ёйилиб кетибди. Каримқулбой кадрдонлари бўлган икки бой билан учрашибди, улар билан маслаҳатлашибди. Бир ҳафтадан кейин ўғиллари, қариндош-уруғлари билан биргаликда отда Равот дашти томон йўл олибди. Бой Курка ва Ҳапалак қишлоғига келаётган сувни кузатибди, тоғнинг сув олинадиган жойини кўздан кечирибди. Икки тизимдан тушаётган сув икки ариқчага бўлинган экан. Каримқулбой юқорилаб кетибди. Анча нарида бир қулок сув жарликка тушиб кетаётган экан. Лекин сувни буриш катта меҳнат, жасоратни тақозо этаркан. Мўлжалда икки юз метр масофадаги тоғ жинсларини ломда кўчириб ариқ очиш, этакдаги харсанг тошларни жарга думалатиб юбориш зарурлиги маълум бўлибди. Каримқулбой ўша йили баҳорги экиш ишларини барвақт якунлабди. Кейин қариндош-уруғлари, чорикорлари билан тоғ этагига кўчиб борибди. Улар дастлаб тоғ бағридан ариқ очишни бошлашибди. Қишлоқ атрофидаги темирчи усталар олиб борибди. Улар чўкич, лом сингари иш қуроллари тайёрлаб беришибди. Икки ой давомида тоғ ёнбағридан ариқ очилибди.

Харсангтошларни кўчириш, уларни жарга думалатиш ишлари бошланган пайтда қишлоқдаги бошқа бойлар, уларнинг хизматкорлари ва деҳқонлардан иборат юз чоғли хашарчилар ёрдамга келишибди. Халқ хашари уч ой давом этибди. Қишлоғимиз мулкдорлари хашарчиларни озиқ-овқат билан таъминлаб туришибди. Ниҳоят, тоғ ёнбағридан ариқ очишдай оғир иш ниҳоясига етказилибди. Ана шундан кейин дашт бағридан ариқ очишга навбат етибди. Қишлоқ оксоколларининг

маслаҳатларига кўра, ариқ қазишда навбат усули қўлланилиб, ҳашарчилар ҳар ўн кунда алмаштирилиб турилган экан. Шу тарика ариқ қазишда қишлоқнинг барча кишилари меҳнат қилишибди.

1923 йилда амалга оширилган халқ ҳашари туфайли мукамал ариқ қазилиб, қишлоғимизга иккита тегирмонни юрита оладиган ҳажмда сув олиб келинган экан. Қишлоғимиз қариялари Каримкулбой бошлаган хайрли иш деҳқончиликни ривожлантириш, қишлоғимизни обод этишда муҳим аҳамият касб этганлигини узоқ йиллар гапириб юришган. Дарҳақиқат, Равот дашти орқали қишлоғимизга сув олиб келиниши экин ерларидан юқори ҳосил олиш, мўл-кўлчиликни таъминлаш омили бўлган. Бинобарин, сув ҳажми олдингидан уч ҳисса ортган. Сув йўлида иккита тегирмон қурилган бўлиб, аҳолининг дондунларини тортиб, ун қилиш имкопияти туғилган.

Шундай қилиб, қишлоғимиз юксалишга юз тутган. Мулкдорлар ва деҳқонлар экинлардан юқори ҳосил олишга эриша борганлар. Бойлар ва ўртаҳол деҳқонлар ақсарий экин майдонларида пахта етиштирганлар. Улар пахта хом ашёсини «Пахтачи бой» деб таърифланган бешариклик Мадийрбойга ва кўконлик бойларга сотиб, катта даромад олганлар.

Шу тарика қишлоғимиз кенгайиб, обод масканга айланиб борган. Аҳолининг турмуш фаровонлиги орта бошлаган. Ўша йилларда қишлоғимизда бешта меҳмонхона фаолият юритган экан. Қариялар, ўрта ёшлилар, ёшлар ана шу меҳмонхоналарда «гап» еганлар. Тўй-тўйчиқлар тез-тез бўлиб турган. Эркақларнинг меҳмонхоналарда тансиқ таомларни истеъмол қилиб, хайқириб қулишганлари ҳолда дам олишлари тўқинчиликнинг, бир-бирларига иззат-ҳурматнинг ифодаси эди.

Аҳоли ҳамжиҳатлик билан ҳаёт кечираётган бир пайтда деҳқонларни, хусусан мулкдорларни саросимага солишга қаратилган миш-мишлар район ижроия қўмитасининг, НКВДнинг амалий фаолиятига айланди...

ИНСОН ҲУҚУҚИГА ҲУРМАТ ҚАНИ?


Умсинной момом (онамининг опаси)нинг айтишига қараганда, ўша йилларда бобомнинг уйига Қирғизистоннинг Бишкек шаҳридан меҳмонлар келишибди. Улар Бишкекда «Коммуна» номли колхоз тузилганлигини, бу – коммунизм жамиятининг дастлабки босқичи – социализмнинг бошланиш белгиси эканлигини айтишибди. Бу гап атроф-теваракка ёйилиб кетибди.

Айни пайтда Ленин ва Сталиннинг коммунизмнинг жарчилари сифатидаги кулоч–кулоч мақолалари газета ва журналларда узлуксиз босилар, том-том китоблари мажбурий равишда аҳолига тарқатиларди. Шу тарзда кўп ўтмасдан бойларни, мулкдорларни синф сифатида тугатиш ғояси кенг меҳнаткашлар остига етиб борди. Бундай ҳол бойларнинг юрагига ғулғула солди, ўртаҳол деҳқонлар изтироб чека бошладилар.

Аҳолининг ноқулай вазиятга тушиши бежиз эмас эди. 1929 йили районнинг бир қатор қишлоқларида колхоз тузилди. Ерсиз мулксиз батрақлар коллектив хўжалик тузиш саъй-ҳаракати «лаббай» деб кутиб олишди. Оз ерли деҳқонлар ҳам бу тузумни маъқуллашди. Айни шу пайтда Сталиннинг бойларни, мулкдорларни зимдан отиб ўлдириш ёки узок жойларга сургун қилишдай жирканч сиёсати кенг миқёсда амалга оширила бошланди. Шу муносабат билан тумanning барча қишлоқ ва аҳоли пунктларида йиғилшлар ўтказилди. Жойларда колхоз тузиш жараёнида мулкдорларни йўқ қилиш ёхуд қатағон қилиш масаласи осонгина ҳал қилинарди.

Саксон олти ёшли ҳамқишлоғимиз Райимжон ака Мўминов кишлоғимизда колхоз тузиш қандай амалга оширилганлиги ҳақида қариялардан эшитганларини шундай тасвирлайди:

– 1930 йилнинг январь ойи экан ўшанда. Қишлоқ аҳолиси



учта маҳаллага чакирилибди. Ҳар қайси йиғинда эркаклар билан бирга аёллар ҳам қатнашибди. НКВД ходими йиғилишларда маъруза қилиб, коллектив хўжаликни тузиш, мулкдорларни бадарға қилиш, катта мулкдорларни исканжага олиб, турли йўллар билан йўқ қилиш масаласини кўндаланг қилиб қўйибди.

Айтиш жоизки, колхоз тузишни қўллаб-қувватлаш йиғилишдан олдин махфий равишда баъзи кимсаларнинг кулокларига қуйиб қўйилган экан. Ана шундай кимсалар йиғилишда сўз олиб:

– Мен колхозга кираман, эркин меҳнат қиламан, – деб жар солибди. Ҳар бир йиғилишда бешта–олтита тилёғлама кимсалар янги тузумни маъқуллаб сўзлабди. Лекин, «Мен колхозга кирмайман. Бундай тузумни хохламайман» деганлар ҳам бўлибди. Бирок НКВД ходими, райижроқўм вакили ҳақиқатни сўзловчиларни йиғиндан чиқариб юборишар, уларнинг номларини қатағон қилинаётганлар рўйхатига киритиб қўйишар экан. Колхоз тузишга бағишланган йиғилиш бегуноҳ одамларни ҳақорат қилиш, инсон ҳуқуқини поймол этиш, жанжалга айланиб кетаркан. Ана шундай ҳолларда «уч»лик вакиллари «Палончибой сургун қилинсин», «Писмадончи мулкдор қатағон қилинсин» деб ўзларини кўрсатар эканлар.

Ўша кунги йиғилишда кишлоғимизда учта колхоз тузилганлиги маълум қилинган. Чунончи, Кунчиқар маҳаллада «Учкун», Ўрта маҳаллада Киров номили, Сувбоши маҳалласида Шербатов помли колхоз вужудга келган. Бўлиб ўтган йиғилишларда кишлоғимиздаги ўттиздан ортиқ бойлар ва мулкдорлар ўлим жазосига тортилиши ёки бадарға қилиниши маълум қилинган эди. Айтиш жоизки, бир қагор мулкдорлар жонларини асраб қолиш мақсадида узоқроқ жойларга кўчиб кетишни ўйлаб қўйишганди. Йиғилиш уларнинг режалари тўғри эканлигидан шаҳодат берганди.

Йиғилишни тарк этган тўққиз нафар мулкдорлар икки–уч соат давомида бор–будларини араваларга ортиб, мол–қўйла-

рини хайдаган ҳолда юртдан чиқиб кетишни режалаштирган эдилар. Улар пешин чоғида қишлоқдан чиқиб кетдилар. Бу воқеа қишлоқнинг катта-ю кичигига яшин тезлигида етиб борди. Мулкдорларнинг қишлоқдан ғойиб бўлганликларини район ижроия қўмитаси ва НКВДга етказиш учун югурганлар ҳам бўлди. Лекин қочоқлар аллақачон туман худудидан чиқиб кетган эдилар.

Мулкдорлар ва ўртаҳол дехқонлардан ер ва мол-мулкни тортиб олиш, ўзларини ўлимга маҳкум этиш ёхуд бадарға қилиш тоталитар тузумга хос зўравонлик кўринишлари эди. Афсуски, инсон ҳуқуқини поймол қилиш кўринишлари йиллар мобайнида давом этаверди.

ЖОН САҚЛАШ ЙЎЛИ

Каримқулбой коллективлаштиришга бағишланган йиғилишни ташлаб уйига қайтди. Унинг кўнгли чироқ ёкса ҳам ёришмайдиган даражада хира эди. Тўғрисиўзлиги, ҳақиқатпарварлиги ҳамиша бошига балолар ёғдириб келган. “Ахир, бугунги йиғилишда сўзга чиқишига бало бормиди. Бошқа мулкдорлар охир-оқибати нима бўлар экан дейишиб жимгина ўтиришди. Сўзга чиқиб, колхозга кирмайман, деганим ҳам майли, лекин «уч»лик қанақа комиссия, ана шу учта кимсага ишониб бўладими, дейишим чакки бўлди-да!» У ўзига дак-ки берганича меҳмонхонага кирди. Бироз мизғимоқчи бўлди. Лекин кўзига уйқу илинмади, у ён-бу ёнига ағдарилди. Абдирашидбойнинг чойхонасида давом этаётган йиғилиш кўз олдида намоён бўлиб турибди. Камарининг чап томонига тўппончасининг киндоғини боғлаган НКВД бошлиғи ва галифе шим, тугмали кўйлак кийган райижроқўм раиси ўринбосарининг совуқ башараси кўз олдидан нари кетмади.

У уч-тўрт кундан буён ўйлаб юрган режаси хақида на турмуш ўртоғи, на ўғилларига ёрилмаган эди. Энди юрагига тугиб

қўйган максadini айтиб, кўнглини бўшатмаса бўлмайди. Шу мақсадда меҳмонхона зинапоясига келди. Патнусда бир даста коса ва шиёлаларни олиб кетаётган чўри киз кўринди.

– Ҳой киз, бери кел! – муружаат қилди бой. Қиз унга яқинлашиб салом берди.

– Раҳмат! – деди Каримқулбой. – Энди Тўлғоной холанга, Бўрибой ва Эргашбой акаларингга айтгин, менинг олдимга киришсин.

– Куллуқ, – бойнинг топширигини қабул қилди чўри киз.

Каримқулбой ички ҳовлига кирди. Қуёшга қаратиб қурилган бинонинг нақшлари, безаклари ярақлаб турибди.

– Аттанг, ҳалол меҳнатларим эвазига бунёд этган уй-жойим, умршерик бўла олмас экансан-да... Сен кимларга маскан бўлиб коласан!

У сўйлана-сўйлана ичкари уйга кирди. Кўп ўтмай турмуш ўртоғи Тўлғоной, ўғиллари Бўрибой ва Эргашбойлар унинг қошида ҳозир бўлдилар.

– Гап бундоқ, – деб сўз бошлади бой. – Ленин тузуми мулкдорларнигина эмас, балки ўртаҳол деҳқонларни ҳам зор-зор қашатадиганга ўхшайди. Бугун бўлган йиғилиш шундан далолат бериб турибди. Кўз олдиларингда қишлоғимизнинг тўққизта мулкдори имкони бўлган бойликларини олиб узок жойларга йўл олишди. Бир ярим-икки соат ичида мен ҳам жўнаб кетман. Аяси, сен зарур кийим-кечакларингни олиб, ҳозирлик кўр. Отбоқар Абдурасулга айтинглар. Тўрикни емлаб, аравани йўлга ҳозирласин. Саманними, Кўктойними миниб олиб, бизни Қўқондан чиқариб қайтади. Мен Марғилон ва Қувадан ўтиб, Ўшга, тўғрироғи Аравонга – қариндошларимиз уйларига йўл оламан...

Икковларинг, ўғилларим, икки-уч кун ичида иккала кўрадаги қўйларни, от ва хўкизларни сотиб, дон-дун ва бошқа мулкларни олиб, Лайлак тоғи этагига жўнанглар ёки менинг изимдан боринглар. Ҳозир зудлик билан омборхона пойдевори

тагини кавлаб, иккита хумдаги тиллони олиб чиқинглар. Хиёл ўтмай Бўрибой ва Эргашбой омбухонадан чиқишди... Уларнинг кўзлари аланг-жаланг эди..

– Тилло йўқ, – деди Бўрибой отасига. – Девор тоши аслидагидек терилиб, ер сатҳи текис қилиб кўйилибди.

– Об-бў! – деди Каримқулбой. – Олтинни ким ўғирлаган бўлиши мумкин?! Афсус, вақт зик. Мен йўлга чиқавераман, сизлар суриштириб кўринглар... Топсаларинг нур устига аъло нур, топмасаларинг, садқайи сар.

– Обжувоз, тегирмон, шинни ва бошқа корхоналаримиз нима бўлади? – деб сўради Бўрибой.

– Ўзимизнинг ҳаётимизни сақлаб қолиш ҳақида гап боряпти, – жавоб қилди ота. – Иложи бўлган нарсаларни олинглар. Иложи бўлмаганлари қолаверади.

Тўлғоной кампир пиқ-пик йиғлар, нима қилишини билмас эди. Хонадон соҳиблари, хизматкорлар у ёқ-бу ёққа югуришар, зарур нарсаларни ташқи дарвоза олдига олиб чиқар эдилар. Отбоқар Ҳайдарали арава сафарга чиқишга тайёр эканини айтди. Каримқулбой кумуш сувидан безак берилган самоварни олишни унтумасликларини, унга ўтин ғамлаб олишни тайинлади. Кимдир ош сузилаётганини айтди. Бой ҳамма ташқи меҳмонхонага йиғилишини тайинлади.

Бойнинг фарзандлари, хизматкорлар, ҳатто отбоқар Ҳайдарали ҳам меҳмонхонада ҳозир бўлишди. Девзира гуручдан тайёрланган палов лаззатли бўлган экан. Ош ейиш бошланди. Лекин уй эгалари ҳам, хизматкорлар ҳам яхши кайфият билан овқатланишмади. Барчалари тушқун ҳолатда эдилар. Қишлоқда юз берган ўша кунги ҳодиса хизматкорларнинг ҳам руҳиятларига салбий таъсир этган эди.

Вақт хуфтондан ўтганда иккита от-арава дарвозадан чиқди. Тўриқ отни минган Ҳайдарали йўл бошловчи эди. Бой ва рафиқаси кўрпалар тахлами устида ўтириб боришарди. Уч чақиримдан кўпроқ йўл юрганларидан кейин Каримқулбой

Ҳайдаралига Найманчага бошлашини тайинлади. Бу бежиз эмас эди. У тижорат ишлари билан Қашқар, Ўш ва Ўзган шаҳарларига борганида ва кайтишида Султонғози бойнинг уйига тушар, отини дам олдириш билан бирга ўзи ҳам чарчоғини ёзиб оларди. Султонғозибой табиатан очикқўнгил, хушчакчак, яхши гаплар, ривоятлар билан кишилар кўнглини кўтарадиган кайвони инсон эди. Каримкулбой унинг хонадонидан кўнгил тоғдай кўтарилган холда чиқарди. Шу боисдан ҳам шу кеча унинг меҳмонхонасида тонг оттириб, эртага марғилонлик Дўстмухаммаднинг хонадонига тушишни дилига туккан эди.

Тун ярмидан ўтганда от қўшилган иккита арава болахонали дарвоза рўпарасида тўхтади. Хизматкор йигит дарвозани очди. У бешариқлик Каримкулбой келганлигини хонадон эгасига маълум қилди. Султонғозибой меҳмонларни очик чехра билан кутиб олди. Улар енгил чойлангач, дам олдилар.

Каримкулбой одатдагидан барвақтрок уйғонди. У шошилч йўлга тушиш ниятида эди. Лекин ярим тунда найманчалик бой билан гаплашишнинг иложи бўлмаган эди. Нонушта пайтида Бешариқда бўлган воқеалар ҳақида қисқагина сўзлади. Бирок Султонғозибой бу тарафларда ҳам, хусусан Найманчада ҳам ана шундай тўс-тўполонлар бўлаётганлигини айтиб, кадрдонига таскин беришга ҳаракат қилди. Афсуски, унинг гаплари Каримкулбойнинг дил ярасига малҳам бўлишга ожизлик қилди.

Юк ортилган икки арава Марғилонга пешин чоғида етиб келди. Каримкулбой ўйга ботган эди. Нега деганда, кун ботгунгача уч соатдан кўпроқ вақт бор. Юраверайлик деса, Андижон йўлининг ярмига етмасдан отлар чарчаб қолади. Унинг Назармат эшоннинг уйига тушиш ҳақидаги фикри устун келди. Отларни Жангоб чойхонаси рўпарасидаги чишорга боғлаб, рафикасига бозордан у—бу нарса олиб чиқишини айтди. Бозор қилишга анчагина вақти кетди. У харид қилган нарсаларини аёлига узатар экан:

– Ҳайдаралини ёки Кимсанбойни олиб олганимизда мана шундай ишларни улар чакконлик билан бажаришар эди, – деди нохуш кайфиятда.

– Қизиқ экансиз, дадаси, – деб унга далда берди рафикаси. – Бозор-учар қилдириш учун бир одамни уч-тўрт кунлик йўлга олиб кетиш шартми? Ахир, ўзингиз тездагина бозор қилиб чиқдингиз-ку!

– Сенинг гапинг ҳам тўғри, аяси! – деб маъқуллади Каримқулбой. Улар Марғилонда тонг оттириб, Кувага барвақт етиб келдилар. Бу ерда Иброҳимбекнинг уйида, Андижонда эса Бекмирза полвоннинг хонадониди тунадилар. Эртаси куни Ўш шаҳрига яқинлашдилар. Лекин отларни қуёшга қараб кетган арава йўлига бурдилар. Вақт пешинга етмасдан Аравонга етиб келдилар. Шу ўринда эслатиш жоизки, юқорида айтилганидай, она юртларидан кўчган пайтларида дембойликларнинг бир гуруҳи, шунингдек, Каримқулбойнинг бобокалонлари авлодидан бир неча оила Ўшга, ҳатто Қашқарга ўтиб кетиб, ўрнашиб қолган экан. Каримқулбой боболари ва бобокалонлари кейинги уч юз йил давомида тижорат ишлари билан Қашқарга борганларида қариндошуруғларини кўриб келишар, улар ҳам савдо-сотик ишлари билан сафарга чиққан пайтларида Гамбайга тушиб ўтишларини фарзандлари, невара-чевараларига айтар эдилар. Мана энди ўзининг бошига ҳам ана шундай оғир ташвиш тушди.

«Наҳотки фидойи меҳнат билан, тадбиркорлик билан пул топиш, давлат орттириш, шўро ҳукумати раҳбарларига ёкмаса, – дилидан ўтказарди у. – Ахир мен бировнинг нарчасига кўз тикмаган бўлсам. Хизматкорларим ҳам ҳалол-поклик билан яшаётган бўлишса...» Араванинг суюнчиғига мук тушган ҳолда Аравонга қираверишдаги Чекобод қишлоғи Ўрта кўчасидаги эшик ва дарвозаларга назар ташлаб келаётган Тўлғоний момо:

– Дадаси, келиб қолдик шекилли, – деб сўз қотганида дард билан хаёл суриб келаётган қария икки табақали катта эшикни таниди.

– Тугри айтасан, етиб келдик, – деб кампирининг гапини маъқуллади. Арава эшик рупарасига етиб келганда ичкаридан ўн-ўн бир ёшли қизалоқ чиқиб қолди. У қўлларини кўксига қўйиб меҳмонларга салом берди-да, «Ҳозир...ҳозир...» деганича ичкарига кириб кетди. Шу заҳоти хонадон соҳиби Маҳмуджон чиқиб меҳмонларни кучоқ очиб кутиб олди. Каримкулбой фотиҳадан кейин тиловат қилиб, унинг савобини ўтганларнинг руҳига бағишлади. Кўп ўтмай Аҳрорхон рафикаси билан етиб келди. Бир ярим-икки соат ичида хонадон қариндош-уруғлар, Каримкулбойнинг таниш-билишлари билан гавжум бўлди.

Каримкулбойнинг яқин қариндоши бўлган марҳум Аҳмад-жонбойнинг хонадонидан бир ҳафта-ўн кун давомида келди -кетди аримади. Маҳмуджон ва Аҳрорхонлар қарияни, унинг рафикасини бошларига кўтаргандай эъзозладилар. Карим-кулбойнинг Аравон ҳудудидаги биродарлари уни меҳмонга чақириб, қўй сўйиб зиёфат бердилар. Афсуски, кўнгилочар давралар, зиёфатлар ғариблик кунларини кечираётган қочоқ бойнинг дилини равшан этолмади. Унинг ўй-хаёли Бўрибой ва Эргашбойнинг, қизлари, неварачевараларининг аҳволи нима бўлганлигида эди.

ТУНДАГИ БОСҚИН

Тун яримдан ўтган. Соат 3 ва 4 лар ораси эди. Ҳамма уйқуда. Каримкулбойнинг дарвозасини кимдир қутилмаганда жуда каттик тарақлатиб қолди. Шу пайтгача ҳеч қачон юз бермаган бундай ҳол хонадон соҳибига нисбатан хурматсизликнинг, ҳатто ҳақоратнинг ўзгинаси эди. Хизматкор Кимсанбой:

– Кимсиз? Сизга ким керак? – деб овоз берди.

– Оч дарвозани!!! Оч деяпман!!! – деган дўк-пўписа эшитилди ташқаридан.

– Кимсиз? Кимлигингизни айтинг? - бўш келмади Кимсанбой.

– Оч деяпман, Биз сиёсий органдан келганмиз, агар очмансанг, отиб ташлаймиз!..

Кимсанбой нима қилишини билмай дир-дир қалтирарди. Бўрибой билан Эргашбой девор ошиб ўтиб, ҳовлидан чиқиб кетишларини истарди. Аммо яшаётган хоналари анча узокда. Уларни уйғотиб, қочириб юборишнинг иложи йўқ. Анча маҳалдан бери дарвоза тарақлаётганлиги, шовқин-сурон кўтарилаётганлиги боисидан ҳовлига чиқишлари ёки қочиб кетишлари мумкин. Шу ҳақда ўйлаётган қоровул яна ҳам вақтинчўзиш ниятида эди. Ниҳоят, у дарвозани очишга мажбур бўлди.

Форма кийган тўрт ходим тунги кўланка бўлиб ичкарига киришди. Улардан бири Кимсанбойнинг кўкрагига мушт туширди, иккинчиси орқасига тепди. Бояқиш ногаҳоний тепкидан йиқилиб тушди.

– Қани Каримқулбойвачча, қайси хонада, ўғиллари Бўрибой қайси уйда, Эргашбой қаерда? Улар ётган жойни бизга кўрсатасан!

– Бой отани тўрт-беш кун муқаддам қаергадир кетишган деб эшитганман.

– Кимларни алдаяпсан, аҳмоқ! – деб бечоранинг юзига шапалок туширди формадаги калтабақалок ходим. – Ахир, у уч кун илгари йиғилишни ташлаб чиқиб кетган-ку! Нега тўрт-беш кун илгари кетган деяпсан?!

– Мен Тожикистон томонга кетган эдим. Қишлоғимизда буни биладиганлар бор, – ёлғон тўқиб чиқарди Кимсанбой.

– Юраверинглар, – деди босқинчилардан бири, – хонадонларга кириб, уларни ўзимиз ушлаб чиқамиз.

Бу гап маъқул бўлди чоғи, босқинчилардан иккитаси дарвоза ёнидаги катта меҳмонхонага киришди. Гугурт қақиб, у ер бу ерни кўздан кечиришди. Деворга қоқилган эрон ва афғон гиламларини кўриб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди уларнинг. Иккитаси эса болаҳонали уйга кирмоқчи бўлди. Лекин эшик ичкаридан қулфланган экан. «Очинглар» деб ўтирмасдан, эшик-

ни зарб билан тепиб бузиб, ичкарига киришди. Гидамлар билан безатилган ял-ял товланувчи кўрпалар тахламини кўриб, бир зум анграйиб қолишди. Улар нақшинкор ёғоч зинапоя оркали иккинчи қаватга кўтарилишди. Зўравонлар Эргашбойвачча ва рафикаси Ойшабиби хонанинг икки бурчагида мук тушиб ўтирганлигини кўриб, қувониб кетишди.

– Қани, олдимизга туш икковинг! – пўписа қилишди улар.

– Қаёққа олиб борасизлар бизни, – деди Эргашбойвачча.

– Сенинг ишинг бўлмасин, – жавоб қайтарди бўйчан кимса.

Ойшабиби йиғидан ўзини тия олмасди. Эргашбой бундай хўрликка тишини тишига босиб, аранг чидаётганди. Бу полвон йигит куруллари бўлса-да, иккала босқинчини ҳам бир зумда кунпа яқун қилиб ташлаши мумкин. Лекин уларнинг шериклари пастда хоналарни тинтув қилиб юрганларини билиб турибди. Ғазабдан бутун вужуди билан титраётган бўлса-да, шайтонга хай берди, ўзини босди.

Мана, Эргашбойвачча ва унинг рафикаси дарвозанинг ўнг табақаси олдида бир соатдан буён оёқда тик туришибди. Формадагиларнинг бир ёпроғи тўшпончасини қўлида ушлаган кўйи уларни пойлаб турибди. Қолган уч нафари эса хона-хона, уйма-уй юриб, Каримқулбойни ва ўғли Бўрибойни кидиришяпти. Улар оғборларни, молхоналарни кўздан кечиришди, ҳатто ҳожатхона ҳам қолмади. Ниҳоят босқинчилар дарвоза олдида тўпланишди. Гуруҳ раҳбари Эргашбойга юзланиб:

– Бўрибой қаерда? Каримқулбой қаерда? – деб дўк урди.

– Акам Бўрибой бизга айтмасдан бир кун илгари оиласи билан қаёққадир кетганлигини сизларга айтишим мумкин. Отамнинг юртдан чиқиб кетганлигини сизлар яхши биласизлар.

– Номақул гапларни гапирма, аблах! – ҳақорат қилди гуруҳ бошлиғи.

– Бўрибой уйда эканлиги ҳақида оқшомда хабар топганман.

– Айғоқчиларингиз ёлғон хабар беришибди сизга, мен рост гапни айтман.

Эргашбой шу гапни айтди-ю, ўйланиб қолди. «Агар акам қочиб кетишга улгурган бўлса яхши. Борди-ю, шу атрофда юрган бўлиб, қўлга тушиб қолса, мен ким бўламан улар олдида...» деган фикр келди миясига.

Шу заҳоти НКВД ходимлари гуруҳи бошлиғи Эргашбой билан хотинига кўчадаги аравага чиқиб ўтиришларини буюрди. Ойшабиби бошлиқдан нон ва бошқа егуликлар олиб чиқишга рухсат беришини илтимос қилди. Уларни пойлаб турган орган ходими аёлнинг шу илтимосини рад этганди. Хайрият, раҳбар Ойшабининг тезда кириб егулик олиб чиқишига рухсат берди.

Тонг ёриша бошлаган эди. Иккита от кўшилган арава Каримқулбойнинг дарвозаси олдидаги йўлдан катта йўлга чиқиб, Бешариқ томонга йўналди. Эргашбой чап қўлини пешонасига босган ҳолда ўйланиб кетарди. Отасига эргашиб йиғилишдан чиқиб кетаётганида Рашид ўғрининг: «Ҳой, бойвачча, билиб қўй, сенинг атиги икки кунлик умринг қолди...» деган машъум гапи ёдига тушди. Ҳа, «Уч»ликка суқилиб кириб олган ялангоёқлар орган ходимлари билан тил бириктирганликлари аниқ. Акаси ва унинг уйда эканлигини ҳам ана шу кимсалар етказишган.

Аравалар уч томони темир панжаралар билан ўралган бионинг дарвозаси олдига келиб тўхтади. Сиёсий идора ходимлари Эргашбойни рафикаси билан бирга олдиларига солиб ичкарига кириб кетишди.

Икки кун ўтгач, Эргашбойваччанинг амакиси Абдуллабойваччани ҳам ярим тунда олиб кетишди. Оила аъзолари, Ортиқой, Зиёдахонлар зор-зор йиғлаб қолишди.

Айтиш жоизки, мана шу сиёсий идора ҳудуди тадбиркор ва савдогар мулкдорлар, ўртаҳол деҳқонлар, хунармандларни қийнаш, ҳуқуқларини поймол қилиш марказига айланган эди. Бу ерга районнинг қишлоқ ва маҳаллаларида дурустгина яшаётган кишилар олиб келинар ва зах ертўлага қамаб қўйиларди.

Банди қилинган қариндош-уруғларини кўриш, уларнинг

ҳол-аҳволини билиш учун бу ерга кунига ўнлаб, юзлаб кишилар келар эдилар. Афсуски, идора ходимлари фуқароларни назар-писанд қилишмас, уларга ҳеч қандай маълумот беришмасди. Келувчилар яқин кишиларини кўра олмасдан, уларнинг ҳол-аҳволи қандай эканлигини била олмай зор-зор қакшаб кетишарди.

НКВД ходимлари поезд келишини икки-уч кунлаб, баъзан бир ҳафта-ўн кунлаб кутишарди. Айрим ҳолларда кизил вагон Андижон, Марғилон, ҳатто Наманган томондан қатагон қилинганлар билан тўлиб келар экан. Ана шундай ҳолларда Бешариқдан кулоқларни вагонга чиқариш имкони бўлмай коларди.

БЎРИБОЙ ҚАНДАЙ ОМОН ҚОЛГАН ЭДИ?

Дарвоза тарақлаётган пайтда Бўрибой уйда эди. У дарвоза бунчалик каттик урилаётганлигидан қандайдир ўта жиддий ҳавф таҳдид қилаётганлигини сезиб турарди. Қишлоқни тарк этиш мақсадида иккита қонга зарур нарсаларини солиб, иккита тугунни ҳам боғлаб қўйганди. Сувбоши маҳалласидаги қариндошлари – Турсуналининг ҳовлисида от ва арава сафарга шай ҳолда эди. Афсуски, у от ва хўкизлари, обжувоз, тегирмон, оҳак ишлаб чиқариш корхоналарини расмийлаштириб, колхозга топширганлиги сабабли ярим кунга кечикди.

У олдиндан тайёрлаб қўйилган қопни кўтариб бориб, ҳовлининг кунчиқар томонидаги девор олдига қўйди. Сўнгра иккита тугунни олиб, кизалоғи Турғуноини ва рафикаси Сўнахонни бошлаб келди. Дарвоза ҳамон тарақлаётган, шовқин-сурон атропога ёйилаётган, қўни-қўшнилари хавотирланиб кўчага чиқишган эди.

Бўрибой укаси Эргашбойнинг аҳволи нима бўлганлиги ҳақида ташвишлана бошлади. Ёки югуриб бориб ундан хабар олсинми?! Хизматкор Кимсанбой уни ҳовлидан чиқариб юбора олмадимикан?

Бўрибой елкаси билан деворни туртди. Тўрт катор гувалак кўшни томонга ағанади. Зеро, Бўрибой Аллох тўрт-беш йигитнинг кучини берган забардаст инсон эди. У болалик йилларидан бошлаб тўй ва базмларда курашга чиқар, «Бўрибой полвон» номи билан тилга тушган эди. Яна уч-тўртта гувалакни кўли билан олиб, бир киши сиғадиган йўл очди. Кейин қоп ва тугунларни ирғитгач, кизи ва хотинини авайлаб ўтказди. Қочкинлар дала кезиб, кариндошлари Турсуналининг ховлисига чорбоғ томондан кириб боришди. Турсунали ва унинг оила аъзолари бу ҳолдан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Бўрибой «Орган ходимлари келиб қолишмасмикан?» деган ташвишда эди. У Турсуналига жийронни аравага кўшиб ўзларини тезда чиқариб юборишни айтди. Турсунали чакқонлик билан ҳаракат қилиб, аравани йўлга олиб чиқди. Бўрибой унга Эргашбойдан хабар олиши зарурлигини тайинлади.

Субҳидам чоғи. Дов-дарахтлар, бутун табиат сокинлик оғушида. От кўшилган арава қишлоқнинг кунчиқар томонидаги дала йўлидан боряпти. Арава ҳадемай Телов қишлоғининг қибла томонидан ўтган катта йўлга чиқди.

Ғам-андух чекаётган Сўнахон яқин икки соатдан буён оғиз очолмай келарди.

– Шу кетишда қаерга борамиз, дадаси? – деб ёрилди у.

– Кечга яқин Исфарада бўламиз, – жавоб қилди Бўрибой. – У ерда бир кун қолиб, тоғ йўли билан Лайлак тоғи этагидаги Усмонли деган манзилга етиб оламиз. Қайси куни Бешарикдаги чойхонада бўлганимда юртни тарк этаётганлар ана шу манзилда жон сақлаётганликлари ҳақида гап борган эди.

– Тоғ йўлини топа оласизми? – ташвишланиб сўради Сўнахон.

– Йўлни тахминан биламан, – жавоб қилди Бўрибой. – Исфаралик биродарларимдан яна аниқлаб оламан.

– Жийрон бир маромда борар, Сўнахон қизалоғини бағрига босганича атрофга назар ташлаб кетарди. У тош ва шағалдан иборат бундай даштликни илгари сира кўрмаган эди. Назарида

бу яйдоқликнинг чек-чегараси йўқдай туюларди.

– Дадаси, мана шунақа гиёҳ ўсмайдиган даштликлар ҳам борми?

– Ҳа, ер юзи ажойиб ва ғаройиб, – рафикасининг кўнглини кўтаришга киришди Бўрибой, – ҳали ҳар бири уйда-уйдай келадиган харсангтошларни, одам тик холда юрадиган ғорларни, биз борадиган манзилда эса жайрон, оҳу сингари ноёб жонзотларни кўрасан.

Бу гапларни эшитган жажжигина Турғуной:

– Ота, менга оҳу боласини ушлаб берасизми? – деди.

– Албатта, кизим, – жавоб қилди ота, – сенга қуён болаларини ҳам ўргатиб бераман.

Арава пешин чоғида Исфаранинг ўртасидан ўтган сой бўйидаги чойхона олдида тўхтади. Бўрибой отни боғлаб, ичкарига кирди. Чойхоначи дўсти Олимжон уни кучоқ очиб кутиб олди. Олимжон ишни шогирдига топшириб, меҳмонларни уйига олиб кетди. У ўн-ўн беш чоғли яқинларини чақириб, меҳмон шарафига зиёфат берди. Хонадондаги кўнгилочар суҳбат тун ярмигача давом этди.

Бўрибой суҳбатлашиб ўтирган пайтларида мезбонлардан Усмонлига бориладиган йўлни аниқлаб олди. Исфараликлар тоғ даралари ичида қароқчилар йўлларини тўсиб чиқишлари ёки бўри галаси ҳамла қилиши эҳтимоли борлигини айтиб, бирорта милтик ёхуд иккита чўкмор олишини маслаҳат беришди.

– Уйда Петербургда ишланган узоққа отадиган «Барданка» номли милтик бор эди, – деди Бўрибой. – Афсуски ундан муҳимроқ нарсаларни олишга ҳам имкон бўлмади.

Олимжон меҳмонлар чой ичишаётган пайтда ўрик ёғочидан иккита даста кесиб олиб, йўғон томонига чўян қопламани михлаб, чўкмор ясади. Бу – Бўрибой полвон учун муҳим қурол бўлди.

Арава тоғ ёнбағридаги йўлдан қибла томонга қараб бормоқда. Бўрибой билан Сўнахоннинг руҳияти кечагидан бироз

кўтарилган. Негаки, исфараликлар Ўзбекистонда ҳам, Тожикистонда ҳам – ҳамма жойда мулкдорларнинг бошларига ана шундай кулфат тушаётганлигини айтишган эди. Уларнинг гаплари, дўстона йўл- йўриқлари эр-хотинга далда бўлганди. Қочкинлар кундуз кунлари йўл юриб, кечалари кулай жойларда дам олишарди. Ниҳоят, олти кеча-кундузда Усмонли деган масканга етиб боришди. Бепоен адирликларнинг қуйи саҳнида сон-саноксиз кигиз уйлар, қапа ва чодирлар кўзга ташланиб турарди. Бу ер юқорида тилга олинган Усмонли овули эди.

Бўрибой овул оксоқоли Жумабой исмли ёшулли билан танишиб, унга мақсадини айтди. Оксоқол оила бошлиқларини йиғиб, келганларни иш билан таъминлаш масаласини ўртага ташлади. Бир неча давлатмандлар иш турларини таклиф этишди. Тоғ этагида қандай ишлар бўлиши мумкин дейсиз. Эркакларга туя ва молларни боқиш, майда туёқлилар жунини олиш, бошокли экинлар экиш, уларни ўриб-йиғиш ва янчиш, аёлларга эса чорва ҳайвонларини соғиш, қатик ва қимиз тайёрлаш асосий вазифа эди.

Бўрибой рафикаси билан биргаликда хўжалик ишларини бажариш юзасидан Сарибой исмли оила бошлиғи билан қўл олишди. Кўрибсизки, йирик бой бошқа бир давлатманд кишига хизматкор бўлди. Тақдир экан-да, Сўнахон қирғиз мулкдорининг сигири, қўй-эчкиси-ю, туяси ва биясини соғишга одатланди. Кунлар ва ойлар ўтаверди. Фарғона водийсидан, хатто Бешарикдан бу ерга келувчилар кўпая борди. Бўрибой улардан Бешарикдаги, хусусан қишлоғидаги аҳволни сўрарди. Бир куни укаси Эргашбойваччани оиласи билан биргаликда олиб кетганликлари, ундан дом-дарак йўқлигини эшитди.

Бўрибой оиласи билан салкам уч йил давомида тоғ ва тошлар, адирликларда ҳаёт кечирди. Қариндош-уруғлари, ҳамқишлоқлари Усмонлига борган-келганлардан унинг юртга қайтишини тайинлаб юборарканлар.

Шундай қилиб, Бўрибой амаким 1933 йили қишлоғимизга

Отминг изларини излаб қайтган экан. У колхозда мироб, «Бешариқ» давлат хўжалигининг Гамбай бўлимида йигирма беш йил давомида бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Амаким умр йўлдоши Сўнахон аям билан Турғуной, Допахон, Умидахон, Шодмоной, Раънохон исмли қизларини комил инсонлар қилиб тарбиялаганлар. Аллоҳ саксон беш-саксон олти йил умр кўрган бу жигарларимни қирқдан зиёд неварачеварлар кўришга муяссар этган. Юкорида номи тилга олинган тўнғич қизлари Турғуной Телов кишлоғида яшовчи Абдувоси Қодиров билан етти нафар ўғил ва қизларини юрт ишига камарбаста инсонлар қилиб вояга етказишди. Уч нафар ўғиллари етук ҳуқуқшунос бўлиб етишди. Тўнғич ўғиллари Илҳомжон Восиев Тошкент шаҳрида, Фарғона вилоятининг Қува туманида суд раиси, Фарғона вилоят судида судья бўлиб ишлади. Укалари Шухратжон ва Рустамжонлар ҳам яхши инсонлардир. Ҳа, Бўрибойнинг неварачеварлари, авлодлари ҳақида илиқ гапларни айтиш мумкин.

СУРГУНДАГИ КЕЧМИШЛАР

Эргашбойваччани рафиқаси Ойшабиби билан олиб кетишганига тўрт кун бўлди. Қариндош-уруғлари уларнинг аҳволини билиш учун темир панжарали бино олдида эртадан кечгача туришарди. Бу ерга кўлдан-кўп ана шундай одамлар тўпланишарди. Лекин қайта-қайта илтимос қилсалар-да, маъмурлар яқинларининг ҳол-аҳволлари ҳақида уларга ҳеч қандай маълумот беришмасди. Шу тарика Эргашбойнинг қариндош-уруғлари ҳам ундан ва рафиқасидан беҳабар қайтишарди.

Мана, улар бугун ҳам темир панжара рўпарасида туришибди. Лекин бу ерда санокли одамлар кўринади. Келувчилар жувур-жувур қилиб ўзаро гаплашишяпти. Маълум бўлишича, мулкдорларни ярим кечада станцияга пиёда ҳайдаб, қизил вагонда қасқадир жўнатишган эмиш. Онажоним Хўжамқулбой



3 ёшлик даврим - онам Айшабиби билан



*Катта онам 104 ёшда ўзимни онам, холам, тоғамни ўғли
Тўхташбой, жияним Мавлудахон*



Онам Айшабиби, рафиқам, ўғлим ва қизим



Оилавий альбомиздан яна бир қадрли павҳа



Ўғлим Анваржон - менинг фахрим



Оила - муқаддас даргоҳ



Ҳамкасбларим - сафдошларим, содиқ дўстларим билан



Оилам даврасида ўзимни ҳамиша тўқис бахтли ҳис қиламан

кизи Ойшабибининг кейинчалик айтишига караганда, хақиқатда шундай бўлган экан.

– Бизга ўхшаган юзга яқин кишиларни тун қоронғусида тош йўлдан ҳайдашган эди, – деган эди онам.

Паровоз пишкириб борарди. Вагонлар эса тарақа-турук, тарақа-турук овоз чиқарарди. Посетовка станциясидан маҳкумлар чиқарилган ўнинчи вагонга бир юз элликтача одам жойлашган. Юк ва чорва молларини ташишга мослаштирилган бундай вагонларда ҳеч қандай шарт-шароит йўқ. Одамлар ерга ўтирган ҳолда нон ёки мева-чеваларни истеъмол қилишарди. Негаки, бирор пиёла чой йўқ. Бир кундан кейин вагонда бошланган норозилик жанжалга айланди. Бунга тутқунларнинг емаклари тугаганлиги, у-бу нарсаларни сотиб олиш учун уларни бекатларда туширмасликлари сабаб бўлди. Қуроли кўриқчилар вагонга сотувчиларни киритадиган бўлишди. Шу тариқа «кулоқлар»га егуликлар сотиб олишлари учун имкон берилди. Лекин вагонлардаги қий-чув, гўдакларнинг очликдан йиғлаши, очларнинг ўзларини ташлаб юборишидай ҳоллар юз бераверди.

Эргашбойвачча етарли миқдорда егулик олмаган бўлса-да, қийимларига катта миқдордаги пулни жойлаб олган эди. У андижонлик, асақалик, марғилонлик ва қўқонлик кишилар билан танишди. Улар мол-мулклари мусодара қилинганлиги хусусида ачиниб сўзлашар, тақдирлари бундан кейин қандай кечиши ҳақида қайғуриб, Аллоҳга илтижо қилар эдилар. Болаларнинг, оналарнинг ноласидан Ойшабибининг кўнгли бўшаб кетар, у тугунидаги ўрик, бодом, майиз сингари неъматлардан болаларга берарди. Қизил вагонлар етти кеча-кундузда Туркменистонга етиб борди.

Онамнинг айтишича, «кулоқлар» Красноводскда бир неча кун очик жойда қуршовда сақланган. Уларни эрта тонг чоғида мажбуран денгиз қирғоғига – паромга олиб боришибди. Кечки пайт пароходга чиқаришган. Кемага сон-саноксиз одамлар жойлаштирилган. Йиғи-сиғи, қий-чув авжга чиққан. Нега дей-

сизми? Қатағон қилинганларнинг очликдан тинка-мадорлари қуриган, болалар оғир касалликларга чалинган эди. Катта-кичик ёшли одамлар бир-бирларининг кўз ўнгида жон таслим қилишарди. Бундай ачинарли ҳоллар аёлларнинг дод-фарёд чекишлари, эркакларнинг бўзлаб йиғлашларига сабаб бўларди. Кема Каспий денгизда бир кеча-кундуз сузиб, қоронғу тушган пайтда паромга етиб келди.

– Бизни бир чиройли шаҳарга олиб келишди, – деб эсларди онам. – Шаҳар тунда ерга игна тушса топиб олса бўладиган даражада ёруғ эди. Кейинчалик билсак, бу Боку экан.

Маҳкумларни шаҳар четидаги бир қўрғонга олиб боришди. Майитлар шаҳар қабристонига қўйилди. Сургун қилинганлар қўрғонда икки ҳафта давомида сакланди. Ҳар куни ўн-ўн икки оилани қаёққадир олиб кетишарди. Ниҳоят, Эргашбойларга навбат етди. Уларни яна ўн беш оила билан бирга катта қўлга тутатиб турган Мардакян деб аталувчи аҳоли пунктига олиб боришди. Бу ерда кичик давлат хўжалиги бўлиб, унинг аъзолари мева, узум, сабзавот маҳсулотлари етиштирар эканлар. Эргашбой ва Ойшабиби ҳам астойдил ишга киришиб кетишди. Улар дарахтларга шакл берар, картошка, сабзи ва пиёз экилган майдонларни бегона ўтлардан тозалар эдилар. Озарбайжонлар билан иноклашиб, уларнинг тўй- тўйчиқларига борадиган бўлишди. Ҳа, ўзинг яхши бўлсанг, олам яхши дейдилар. Эргашбой ва Ойшабиби яхши муомалалари, бошқаларни ҳурмат қилишдай фазилатлари, меҳнаткашликлари боисидан ўзларини кўрсата олдилар. Айтиш жоизки, сургун қилинганларнинг белгиланган ҳудуддан четга чиқишлари ман қилинган эди. Улар назоратда туришарди. Ҳа, «қулоқ»лар ҳаёти ана шундай ачинарли эди.

Иккинчи йили Мардакянда яшаётган «қулоқ»ларни тўқсон километр масофадаги ширкат хўжалигига кўчиришди. Бу хўжаликда чигит экиб, пахта етиштириш ташкилланган экан. Фарғона водийсидан олиб борилган кишилар деҳқончиликни,

хусусан пахта етиштиришни яхши билишлари боисидан ана шундай хўжаликларга ўтказилганликлари тушунарли. Озарбайжонга бадарға қилинганлар ерни эъзозлаб, экинлардан мўл-кўл ҳосил олиш йўлларини пухта биладиган мохир деҳқонлар эдилар. Улар ғалла, пахта, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришда ўз маҳоратларини намоён этдилар. Табиатан очикқўнги, меҳнатсевар одам бўлган Эргашбой худди ўз ерида ишлаётгандай сидкидилдан меҳнат қиларди. У киш мавсумида ерларни тўйинтириш билан шуғулланар, баҳор ва ёз ойларида экинларни парвариш қилар, сўнгра ҳосилни йиғиштиришда бошқаларга ибрат бўларди. Эргашбой меҳнатда ўзини кўрсатиш билан бирга тутқунликни тарк этишга зимдан тайёргарлик кўриб юрарди. Мақсадини шахсий назоратчисига айтиб, у билан тил бириктиришига тўғри келди. Назоратчиси Гасан ўғли Охунд унга керакли йўл-йўриқларни берди.

1934 йилнинг қор-қировли кунлари эди. Темирйўл разъездининг мўъжазгина хонасида саноклигина йўловчилар ўтиришарди. Эргашбой ва Ойшабиби деворга суяниб олишган. Улар «Ҳай!» деса юраклари кинидан чиқиб кетадиган ҳолатда... Ойшабибининг кўркувдан юраги гуп-гуп ураётгани билиниб турибди. Боякиш «Поезд кела қолса, бу ердан тезроқ жўнаб кетардик», деган гапни дилидан ўтказмоқда. Зеро, у бундай кўргиликларни кўравериб юрак олдириб қўйган эди-да.

Поезд келиб қолди. Эргашбой ва рафикаси вагонга чиқиб, жойлашиб олишди. Ойшабибининг назарида қандайдир кимсалар уларни поезддан тушириб яна узоқ жойларга олиб кетишаётгандай... Поезд станция ва разъездларда тўхтаб, йўлида давом этмоқда. Тонг отгандан кейин йўловчилар поезд Озарбайжон Республикаси худудидан чиқиб кетганлигини айтишди. Уларнинг Фарғона водийсига етиб келишлари осон кечмади. Уч марта поезддан поездга ўтишларига тўғри келди. Эргашбой рафикаси билан Бешариққа тушмасдан Ўшга ўтиб кетишга келишиб олганди.

Мана, поезд Мельников станциясидан чиқиб Бешариқ райони худудига кириб келмоқда. Эргашбой ва Ойшабиби тик турганларича ойнадан қараб кетишяпти. Кўм-кўк дарахтлар яшнаб турган маскандаги она қишлоқлари Гамбай кўзларига бир жаҳон бўлиб кўринди. Ойшабиби: «Азиз қишлоғим!.. Отажоним!.. Онажоним!.. деб ҳайқириб юборди. Эргашбойнинг кўзларидан севинч ёшлари томди.

Оила эртаси куни Ўш шаҳрига, кечга яқин Аравонга кириб борди. Эргашбой ва Ойшабиби яқинлари бағрига ташландилар. Каримқулбой қўй сўйдириб, ҳамқишлоқларига дастурхон ёзди. Бойникига чекободликларгина эмас, теварақдаги қишлоқларда яшовчи таниш-билишлари ҳам ташриф буюришди. Каримқулбойнинг хонадонида кейинги йилларда бундай шодиёна бўлмаган эди. Бир ҳафта-ўн кун давомида келди-кетди узилмади.

Орадан бир ой ўтди. Бекор юришни эп кўрмаган Эргашбой колхозга аъзо бўлиб кириб, далада ишлай бошлади. Ойшабиби ҳам далага чиқди. Бешариқ билан Аравон ўртасида борди-келди бўлиб турган эди. Бўрибой Аравонга кетаётганларга: «Отам ва укам Эргашбойга айтишлар, Юрт тинчиб қолди, улар келаверишсин», деб қайта-қайта тайинлар эди. Бу гап Каримқулбойга ва ўғлига етиб борди.

Эргашбой юрагига гап сиғмайдиган бир кайфиятга тушиб қолди. У қишлоғига жўнашни бир кунга ҳам кечиктиргиси келмасди. Ота Бешариққа жўнашга рози бўлмади. У, «Мен экин-тикинларни йиғиштириб, кейин йўлга чиқаман», деб ўғлининг кўнглини тўқлади. Эргашбой онаси Тўлғаной кампир ва Ойшабиби билан она-қишлоғига етиб келди.

ИБРАТ НАМУНАСИ

Эргашбой Ўшдан келганидан кейин уйда узок ўтирмади. У яқин атрофдаги қариндош-уруғларидан ҳол-аҳвол сўрагач, далада ишлаш мақсадини айтиб, колхоз бошқарув раисига ариза билан мурожаат қилди. Лекин ариза тезда ҳал қилинмади. Негаки, бошқарув таркибидаги ғанимлар унинг колхозга аъзо бўлиб киришига тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатишарди.

Лекин Эргашбой далага чиқиб, астойдил меҳнат қила бошлади. Бунинг устига Ойшабибини ҳам ёнига олди. Улар ариқларни қавлар, ғўзалар тубини юмшатар, эгатларга сув тарар, пахта терар эдилар. Кунлардан бир куни райижроқўм раиси колхоз раиси билан бирга далага келиб қолди. Раҳбар ғўза чопиғини сифатли бажараётган Эргашбой ва Ойшабибининг ишидан мамнун бўлди. Эргашбой колхозга аъзо бўлиш ҳақидаги аризаси бир ойдан буён чўзиб келинаётганлигини айтиб, ундан ёрдам беришини илтимос қилди. Райижроқўм раиси хўжалик раҳбарига ўгирилиб, масалани тезда ҳал қилишини тайинлади. Ўша ҳафтада бошқарувнинг йиғилиши бўлиб, Каримқулов Эргашбой ва рафиқаси колхоз аъзоллигига қабул қилинди.

Энди Эргашбойнинг дили равшан, кўнгли биров тинчигандай. Лекин отасига илҳақ. Аллоҳ бу йигитга тўғрисиўзлик, очиккўнгиллик, ширинсуханлик сингари фазилатлар билан бирга беҳад жисмоний куч-қувват берган, ширали овоз бахш этганди. У болалигидан бошлаб курашар, йигитлик чоғида «Эргашбой полвон» номи билан танилган, йиғинларда ашулалар айтиб, ёқимли овози билан эл ичра ҳурмат қозонган эди. Ҳазилмутойибалари, қизиқ хангомаларини эшитган кишиларнинг қулгидан ичаклари узилгудай бўлиб кетарди. Хуллас, кишлоқдаги, яқин атрофдаги тўй ва базмлар Эргашбойсиз ўтмасди.

Сув таъминоти ҳамиша долзарб муаммо бўлиб келганлиги тарихдан маълум. Бундан минг йиллар илгари ҳам одамлар сув таллашиб, ўзаро жанжаллашиб туришарди. Шу боис боболаримиз мироблик вазифасига обрў-эътиборли ва паҳлавон кишиларни сайлаганлар. Бунга Хоразм шоҳи Маъмун Абу Али ибн Синони дастлаб мироббоши вазифасига тайинлаганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу маънода «Учқун» колхозии бошқаруви Каримқулбой ўғли Эргашбойни мироб қилиб тайинлаганлигини таъкидлаш жоиз. Эргашбой кашқа отни миниб, Работ даштига йўл олар, анча йиллар илгари отаси бошчилигида қазилган ариқни ёқалаб тоғ бағрига кўтарилар, шаршара бўлиб тушаётган сувни кўпайтирар эди. Тоғ этагида ўн-ўн беш нафар мироблар йиғилишар, биргаликда таом пишириб, чой кайнатар эдилар. Мавсум пайтларида мироблар сув бошида бир хафталаб қолиб кетишарди. Эргашбойнинг ҳаёти ҳам ана шундай кечган. Икки йилдан кейин унинг зиммасига қора экин бригадасини бошқариш вазифаси юкланди. Мохир деҳқон бригада аъзоларига суянган холда шоли, окжўхори, қовун-тарвуз етиштирарди. Полиз ва дон экинларидан юқори ҳосил етиштираётганлиги боис бригада районда тилга тушиб қолганди.

Эргашбой Каримқулов ҳар қандай ишни кўнгилдагидай бажарарди. Кунлардан бир кун уни район ижроия кўмитасига чақиришди. Райижроқўм раиси тadbиркор йигит билан ёлғиз гаплашди.

– Сизга жуда муҳим бир вазифани топширишни лозим кўрдик, – деди райижроқўм раиси М. Раҳматуллаев. – Сиз поездда Россиянинг Воронеж уездига борасиз. У ерда насли от заводи бор. Заводдан районимизга вагонда 145 та ишчи от олиб келасиз. Отларнинг ҳақи, вагон харажатлари учун маблағ ўтказилган. Сизга йўл ҳақи, кунлик харажатларингиз учун пул берилади. Паспорт ва бошқа зарур ҳужжатларингизни ҳозирлаб, индинга йўлга чиқишингиз керак.

– Мен рус тилини билмайман, улар билан қандай қилиб иш

битказар эканман, деб ўйлаб қолдим, – деди Эргашбой.

– Сизга бериладиган ҳужжатларда от олиш билан боғлиқ гаплар акс этган. Сиз яхши отларни танлаб олсангиз бўлгани.

Эргашбой раиснинг хонасидан қалби қувончга тўлиб чиқди. Шу куни ҳужжатларни тахт қилди. Қишлоққа қайтганида унинг от олиб келиш учун Россияга бориши ҳақидаги гап аллақачон теварак-атрофга ёйилиб кетган эди. Ҳамқишлоқлар Эргашбойнинг Россияга сафарини яхши кутиб олдилар. Лекин: «Бойнинг ўғлини Россияга жўнатишга бало бормиди? Қараб тур, хали сени...», деб тишларини ғижирлатганлар ҳам анчагина эди.

Бир ҳафта деганда Воронежга кириб борди. У ҳужжатларни топшириб, отларни кўздан кечирди. Манабуларни от деса бўлади. Ҳар бири булутдай келади-я! Эргашбой завод раҳбарлари билан тил топишиб олди. Раҳбарлар отларни саралаб олишига имкон бердилар. Эргашбой болалигидан от минар, ёш йигитлик кезларидан улоқда қатнашар, совринлар олган эди. У саралаш пайтида чопадиган отларни, ҳатто насли бияларни ишчи отлар гуруҳига ҳам киритди. Хуллас, энг сара отларни танлади. Бир ой ичида райижроқўм раиси айтганидек, бир юз қирқ беш отни Бешарикқа олиб келди. Отларни тақсимлаш тадбири байрамга айланиб кетди. Шу куни станция ҳудудига район ва хўжалик бошлиқлари, ҳисобчилар, сон-саноксиз томошабинлар йиғилишди. Эргашбой ўзи танлаган учта отни «Учқун» колхозига расмийлаштирди. Райондаги ҳар бир колхозга тўртга-бештадан от тақсимланди. Районга Россиядан от келтирилиши бежиз эмас эди. Негаки, ер ҳайдаш, уни экишга тайёрлаш, уруғ сепиш, экин қатор орасига ишлов бериш, ҳосилни янчиш, ташиш ишлари от, хўкиз, ҳатто эшаклар воситасида бажариларди. Мулкдорлардан тортиб олинган от ва хўкизлар, шунингдек, Россиядан олиб келинган отлар «Учқун» колхозининг деҳқончилик ишларида бақор келди. Эргашбой ўзи яхши кўрган тулпорни парваришлар эди. Бу от жўяк оладиган мослама (оқучник)ни тортар, кўпгина ишларни бажарарди. Эргашбой полвон куз пайтидан бошлаб тулпорни емлар, қиш мавсумида улоқ чопарди.

У улоқ чопишда ҳам, от пойгасида ҳам эл оғзига тушган эди.

ХАЛҚ БОШИГА ЁҒИЛГАН КУЛФАТ

Август ойи охири. Бригадага бириктирилган 7 гектар майдонда пахта теримига таёйргарлик ишлари кизгин бормоқда. Бригада етакчиси Эргашбой умр йўлдоши Ойшабибини ёнига олиб, чала қолган ғўза чеканкасини охирига етказмоқда. Бугун «Ўрикзор» деб аталган икки гектарли майдон бегона ўтлардан тозалаб бўлинади. Бригада аъзоларининг ғайратлари чакки эмас. Кўпи билан уч кунда барча майдонлар теримга тахт қилинади. Ғўзанинг ҳосил чўғи муъл. Биринчи теримда режа бажарилиши табиий. Бу фикрни дилидан ўтказган Эргашбой даладан яхши кайфиятда қайтди. У овқатланиб бўлган эди ҳамки, идора қоровули унинг бошқарув йиғилишига бориши зарурлигини айтди.

Эргашбой йиғилишда дала ишларидан хижолат бўлмаслигини биларди. Нега деганда, бригада пахта теримига тайёргарлик бўйича қолхозда олдинда борарди. Афсуски, пахта теримига тайёргарлик масаласи йиғилиш кун тартибига киритилмади. Райондан келган НКВД ходими «қулоқ»лар ва турли тоифадаги «халқ душманлари» коллективлаштирилган хўжаликларга, жамиятга зарар етказаётганликлари хусусида маъруза қилди. У сургун қилинган айрим «қулоқ»лар қочиб келиб ўз хонадонларида яшаётганликлари, бунинг устига масъулиятли раҳбарлик вазифаларида ишлаётганликлари хусусида тўхталди. Сиёсий раҳбар сўзлаётган пайтида Эргашбойга нигоҳ ташлаб қўяр, лекин, сени бугун гумдон қиламан, деган гапини юзага чиқармасди.

Йиғилишда мулкдорларни кўра олмаган ва бундан кейин ҳам кўра олмайдиган ғаламислардан иккитаси сўзга чиқди. Улар Каримқулбой ва унинг ўғиллари Бўрибой, Эргашбойларни

очикдан-очик «халқ душманлари» дейишди.

Йиғилишдан дили хуфтон бўлиб қайтган Эргашбой у уйдан бу уйга кирар, бу уйдан бошқасига ўтар, нима қилишини билмасди. Кўнгли қандайдир нохушликни сезаётгандай. Ортиқча ўй-хаёлга берилмасликни дилига тугди. У «қулок» сифатида бир марта сургун қилинганлиги, белгиланган муддатни ярим-ёрти бажарганлиги важдан бу масалада кўнгли тўқ эди.

Эргашбой ўриндикда у ён-бу ёнга ағанади. Уйқуси келмаётганди. Вақт тунги ўн икки ҳам бўлгани йўқ. Ички эшик тараклаб очилди. Дераза олдидаги ўриндикда гўдагини бағрига босиб ётган Ойшабиби:

– Дод!!! – деб юборди.

Эргашбой сапчиб ўрнидан турди.

– Қани, кийимларингни кийиб биз билан юр!

Эргашбой бу овозни яхши танирди. У бундан беш соат муқаддам йиғилишда сўзга чиққан НКВД бошлиғи Юсуповнинг овози эди. Ҳа, Эргашбойни нишонга олиб, ёмон кўз билан бир неча марта қараганлиги бежиз эмас экан...

– Менинг нима айбим бор? Қаёққа бораман сизлар билан? деди Эргашбой дадил овозда.

– Сенинг айбинг ўзинг билан, – деди пакана бўйли раҳбар. – Билишни истасанг, билиб ол. Энди отиб ўлдириласан ёки 20 йилга сургун қилинасан.

Бу гаплар Ойшабибининг қалб ярасини янгилади. Ахир, улар далада меҳнат қилиб, эндигина тинч яшаётган эдилар. Бу яна қандай кўргулик бўлди? Турмуш йўлдоши айтганидай нима айблари бор?

Эргашбой кийимларини кийди. Шу хонада мавжуд бўлган нарсаларинигина олди. Бошқа хоналарга кириш, пул ёки бошқа зарур нарсаларини олишига имкон беришмади. Уни тўрт нафар орган ходимлари, комсомол аъзолари бўлган «уч»ликни ташкил этувчи учта ҳамқишлоқлари ўраб олишган эди. Эргашбой НКВД бошлиғидан ўғилчасини қўлига олишига рухсат сўради.

Юсупов истар-истамас розилик берди.

Болажоним, Аллоҳ сенга узоқ умр, бахт-саодат берсин. Тонлингга одамлар ҳур яшайдиган замон келсин.

Ота уч ойлик Турдибойнинг пешонасидан, юзларидан ўпди. Ойшабиби гўдакни бағрига босган ҳолда кўчага чикди. Дарвоза олдида от кўшилган извош турарди. Орган ходимлари арванинг ўриндикларига ўтиришди, «махбус»ни ўртадаги тахтага ўтказишди.

Арава жўнаб кетди. Кўп ўтмай, хонага Бўрибой рафикаси Сўнахон билан кириб келди. Бошқа қариндош-уруғлар ҳам йиғилишди. Каримқулбойнинг авлодлари ғам-ғуссага ботган эдилар. Улар йиғи-сиғи билан тонг отгиришди. Эрталаб маълум бўлишича, Эргашбойнинг оз ерга эга амакиси Абдуллабойвачча, ҳамқишлоқлари Жалололдин бува, Аҳмадхўжа, Ҳотамбой, Ҳасанхўжаларни ҳам кечаси олиб кетишган экан.

Бўрибой бошчилигидаги уруғ-аймоқлар эрталаб пиёда йўл босиб, район марказидаги ҳаммага таниш бўлиб кетган темир панжарали бино олдига келдилар. Бу ерда бугун ҳам одамлар кўп эди. Лекин соқчилар уларга ҳеч қандай маълумот беришмади. Кимлар олиб келинганлиги ҳақида ҳам лом-лим дейишмади.

Бу кўргулик Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқи бошига мислсиз кулфатлар ёғдирилганлигининг исботидир. Гамбай қишлоғида бўлганидай оғир кулфат Бешарик районининг барча қишлоқларида, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг барча шаҳар ҳамда қишлоқларида юз берди. СССР Ички ишлар халқ комиссари, «темир нарком» номини олган Николай Ежовнинг 1937 йил 30 июлдаги «Собик кулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни катағон қилиш операцияси тўғрисида»ги 00447-сонли мутлақо махфий буйруғига мувофиқ 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича жами 10700 киши қамоққа олинган, улардан 3615 киши отувга, 7082 киши 8-10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Хўш, Эргашбой Каримқулов, унинг амакиваччаси Абуллабойвачча ҳамда Ҳотамбой, Хусанхўжа, Жалолиддин, Аҳмадхўжа сингари ҳамқишлоқлари қаерга олиб кетилди дерсиз. Афсуски, бу саволга ҳеч қандай жавоб бўлмади. Уруғ-аймоқлари Эргашбой олдингидай Бокуга олиб кетилганмикин деб ўйлар эдилар. Бошқалар эса «махбусларни» Сибирга, Узок шимолга, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Қозоғистонга, Узок Шарққа, Волгабўйи районларига бадарга қилишганмикин дейишиб, оҳвоҳ чекар эдилар.

Шуни айтиш керакки, октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда бошқа республикалар сингари Ўзбекистон халқи қуршовда сақланди. Мустабид тузум томонидан ўтказилган зулм мулкдорларни, тадбиркорларни, ўртаҳол даражада яшаётганларни зулмат қаърига олган эди. Хорижлик муаррихларнинг тарих саҳифасига муҳрланган асарларида келтирилишича, зулм-заҳматга бардош бера олмаган 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб хорижга чиқиб кетган.

Сталин бошчилигида неча-неча халқлар оммавий қирғинга дучор қилингани, сон-саноксиз кишилар отиб ўлдирилганидан буён саксон йилдан кўпроқ вақт ўтмоқда. Бирок халқ бошига тушган оғир кулфатлар унутиб юборилгани йўқ. Қишлоғимиз қариялари бегуноҳдан-бегуноҳ отиб ўлдирилган ёки йўқ қилинган ҳамқишлоқларимизни хотирлайдилар. Уларнинг ажойиб фазилатларини ёдга оладилар. Абдуллабойваччанинг элпарварлиги хусусида сўзлайдилар. Бу кишининг бор-йўғи бир гектар ери бўлган экан. У иморат қурувчи уста бўлиб, халқ хашарларида бош-қош бўлар, якка-ёлғиз кишиларнинг уйларини ҳеч қандай чиқимсиз қуриб берар экан. Бошқа ҳамқишлоқларимиз ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин.

ГУНОҲСИЗ «ГУНОҲКОРЛАР»

(Райимжон ота хотираларидан)

Мен болалик чоғимдан кишлоғимиздан қатағон қилинган кишиларни, шу жумладан Каримкулбой ўғли Эргашбой бойваччани яхши билар эдим. Бу киши эл ичида ҳурмат қозонган, каттаю-кичик севиб, эъзозлайдиган беғубор қалбли инсон эди. Биз болалар унинг елкасида кетмон билан далага кетаётганида, сув олиб келиш учун от миниб йўл олганида, сув ёқалаб юрганида, тўйларда курашга тушган пайтида ёки йиғинларда кўлига ликоп олиб ашула айтаётганида кўрар эдик.

Эргашбой ака баланд бўйли, тўладан келган, буғдойранг кўринишдаги забардаст одам эди. У банорас тўн, амиркон этик кияр, белини иккита-учта атлас кийик билан боғлаб, дўппини чаккасига кўйиб юрарди. Эргашбой бойвачча бор жойда хушчақчақлик, ҳазил-мутуйиба, аския авжига чиқарди. Биз бу маҳалладошимизнинг курашда ғолиб бўлганлиги, улоқда ном чиқарганлиги ҳақида катта ёшли кишилардан эшитардик.

Ҳамқишлоқларимиз, атроф-теваракдаги кишлоклар аҳолиси Эргашбой бойваччанинг жарангдор овозини ёктиришарди. Бу санъаткор қатнашадиган тўйга узоқ-яқиндан томошабинлар келиши бежиз эмас эди. Одамлар унинг ашулаларини тинглаб хузур қилишарди. Кишлоқ оқсоқоллари унга ҳофиз мақомини бериб, «Эргашбой ҳофиз» деб номлаган эканлар. Мен халқ бу инсонни ҳурмат қилиши, эъзозлаши боисини секин-аста тушуна бордим. Билишимча, Эргашбой одамларга фақат яхшилик қилган, бирор кишининг дилини оғритмаган.

Бир воқеани худди кечагидай эслайман. Маҳаллада тўй бўлаётган эди. Эргашбой ҳофизнинг овози оламини тутиб кетяпти. Ҳовли одамлар билан тўла. Болалар деворлар, дарахтларга

чикиб олишган. Юзларча кишилар санъаткорнинг ёқимли ашу-ласини тинглапти. Катта ҳовлида тўй давом этяпти-ю, пахса деворнинг орка томонидаги кулбада қақир-қақир кулги овози эшитилди. Мен сездирмасдан назар солдим. Вужуди билан кулаётган уч гумроҳлардан бири, «Сенинг икки кунлик вақтинг колди – кетасан» деди. Улар «ўйнаб юрган бола» деб ўйлаб менга парво қилишмади. Ҳақиқатдан ҳам мен ўйнаб юрган эдим. Гумроҳларнинг гаплари кимга қаратилганлиги, унинг тагида қандай масала ётганлигини англамаган эдим. Лекин ғанимларнинг нималар деганларини холис кишилар ҳам эшитишган экан. Шум ниятли кимсаларнинг гаплари кулокма-кулок бўлиб атрофга ёйилиб кетди. Икки кундан кейин Эргашбой олиб кетилганидан кейин ғаламисларнинг орган ходимлари билан тил бириктирганликлари ҳаммага аён бўлди.

Эргашбой бойвачча ва бошка ҳамқишлоқларимизнинг олиб кетилиши ҳақида анча йилларгача ҳар хил гап-сўзлар бўлиб юрди. Одамларнинг айтишларига караганда, қишлоғимиздаги айрим кимсалар унинг яхши кийиниб, дўпписини бошининг чаккасига қўндириб юришини ёқтиришмас экан. Ана шундай ғаламислар комсомолларни қўлга олишиб, Эргашбой Каримқуловга «Катта ер эгаси», «Халқ душмани», «Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларнинг думи» деган тамғалар қўйиш мақсадида ёзишма тайёрлашга ва уни НКВД бошлиғига топширишга муваффақ бўлишган. Лекин ўша пайтда бундай ёзишмаларни ҳеч ким текширмас эди. Бир сўз билан айтганда, «учлик»нинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Шу тариқа қандайдир кимсалар уюшган бундай гуруҳнинг ғаразли қилмишлари сабабли ўнлаб, юзлаб кишилар узок жойларга сургун қилинди, уларнинг катта гуруҳи отиб ўлдирилди.

Мен саксон олти ёшдаман. Сталин бошқарган жамиятда юз берган ана шундай қирғин-баротларга гувоҳ бўлганман. Қўниқўшнилариинг айтишларига караганда, уйдан олти нафар НКВД ходими ўраб олиб чиқиб кетишадганда Эргашбойбой-

вачча: «Бизнинг ҳам елкамизга офтоб тегиб қолар» деган экан. Бундай аянчли воқеаларни фарзандларим, неварачевараларимга сўзлаб бераман. Мен уларга мустақил Ўзбекистонда эркин яшаётганлигимизни айтаман ва уларни Ватанни эъзозлашга, муҳофаза қилишга даъват этаман.

Ҳа, хур ва бахтиёр ҳаётимизни кадрлашимиз даркор. Бу — ҳар бир ёшнинг, ҳар қайси фуқаронинг муқаддас бурчидир.

МАЛОМАТ ЁҒДИРИЛГАН ЁШЛИГИМ

Ёшим саксонга яқинлашяпти. Гўдаклик, ёшлик чоғимни эсласам, юрагим увишиб кетаётгандай сезаман ўзимни. Ҳеч бир одамнинг болалик ва ёшлик чоғлари меникидай қора бўлмасин дейман. Юкорида отамнинг икки марта олиб кетилганлиги воқеаси баён қилинди. Рисоламнинг олдинги қисмларида тасвирланганидай, онам Хўжамқулбой қизи Ойша-биби уч ойлик гўдаклигимда мени бағрига босиб зор-зор йиғлаб қолган экан. Отамни олиб кетганларидан кейин ер, от ва хўкиз, ишлаб чиқариш корхоналарини колхоз ҳисобига рас-мийлаштириш жараёнида бор-будимизни давлат ҳисобига му-содара қилишган. Ана шу қилмишлари билан ҳам қаноатланмаган ғанимлар бобомнинг мухташам бинолари-ю, гўзал боғларини буздириб, кунпа яқун қилдириб ташлатишга ҳам муваффақ бўлган эканлар.

Онажоним мени бағрига босганича уй-жойсиз, кўрпа-тўшак, қозон-товоқсиз қолгач, бизни бобом Хўжамқулбой ва Умсиной момом ўз бағриларига олишибди. Онам дарди кучлилигидан тинимсиз йиғларкан, зеро, менинг тўртта акам бўлиб, ҳар бири улоқ бериб, тўй-томоша қилганларидан кейин беш-олти ёшга етганда ҳаётдан кўз юмаверишган экан. Отам ҳам фарзанд доғида куйса-да, «Кўй энди, Аллоҳ яна фарзанд бериб қолар» деб, чексиз ўкинч ва изтиробга ғарқ бўлган онамни овунтиришга ўзида куч топаркан. Шу тариқа онам йиғисиз тура олмай-

диган бўлиб қолибди. Ниҳоят, мен ёруғ дунёга келибман. Ота-онам Аллоҳдан менга узоқ умр, бахт тилаб, «Туриб қолсин деб» Турдибой деб исм қўйишган экан.

Юқорида айтганимдай, онам бобомнинг уйида ғарибона ҳаёт кечири бошлаган. Хўжамкул бобом вафотидан кейин Умсиной момом, онам ва мен уларнинг хонадониди яшадик.

Момом ва онам колхозда ишлар эдилар. Мен уларнинг ҳамқишлоқларимиз сафида кечалари машъала ёруғида ер чопганларида ёнларида бўлганман. Ғўза тубларини юмшатишда ҳам, пахта теришда ҳам, шоли ёки буғдой ўришда ҳам эркаклардан қолишмасдилар.

Момом ва онам меҳнатқашликлари, ишбилармонликлари ва тадбиркорликлари билан кишлоғимиз аёллари ичида ўз ўринларига эга эдилар. Улар уруш йилларида чарх йигирар, ип эшар, бўз ва алак тўқишарди. Ана шу маҳсулотларни сотиб, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишарди.

Онам пул йиғиб, битта наслдор сигир сотиб олди. Бу сигир бир пақир сут берарди. Сут, қатик ва қаймоқни сотадиган бўлдик. Хунармандчилик, сут маҳсулотларини сотиш рўзгоримизга барака киритди. Сигирларимиз кўпайди. Уларни боқишда қийнала бошладик. Иккита сигирни соғиб сутини ичишлари учун қўшниларга бердик. Сигирни ижарага олганлар унинг биринчи боласини бизга беришар, кейинги боласини ўзларининг моли қилиб олишарди. Аллоҳ давлат берди. Қорамоллар ва қўй-эчкилар кўпайиб борди.

Мен мактабда ўқийман. Тенгдошларимдан кўпчилигининг отаси ва онаси бор эди. Менинг эса отам йўқ. Ўқувчиларга маълум бўлганидек, мен уч ойлик гўдаклигимда отамни олиб кетишган экан. Ахир, уч ойлик чақалоқ отани танийдиган даражага етмайди-ку! Мен отамнинг чехрасини, унинг бўй-басти қандайлигини кўрмаганман. Ота деган сўзни эшитганимда юрагим ҳапқириб кетади. Ўзим ота дийдорига, унинг меҳрига зор бўлиб улғаярдим, ўз дардим ўзимга етиб ортарди. Лекин айрим

Отамнинг изларини излаб хамқишлоқларим ва синфдошларим: «Отасиз», «Кулоқнинг ўғли», «Халқ душманининг фарзанди» деб менга рухий азоб беришарди. Мен бундай кимсаларга:

– Отам мулкдор бўлган, ҳалоллиги, ҳофизлиги туфайли эл-юрт уни ҳурмат қилган, – деб жавоб берардим.

Тенгқурларим балоғатга етганларидан кейин ҳақиқатни англаб етдилар. Улар билиб-билмасдан маломат тоши отганликлари учун мендан узр сўрадилар. Лекин отамга душманлик қилган машқуртлар бўхтондан иборат гапларини айтишдан, мени очикдан-очик ҳақорат қилишдан ер қаърига киргунларича тийилмадилар.

Ёлғиз фарзанд бўлганлигим учун онам ва момом мени эҳтиёт қилишар, оғир иш қилдиришмас, узоқ жойларга меҳмонга ёки тўйга юборишмасди. Онажоним, «Кўзимнинг қароғисан» дерди. Барча оғир ишларни ўз зиммасига олган эди. У болалик чоғимда тўрт ёшли новвосни сотиб, менга Германияда ишланган «Семсон» номли велосипедни олиб берганди. Мен ўқувчилик, талабалик йилларимда қийинчилик кўрмай - яхши яшадик. Момом 104 йил умр кўрди. Онам Хўжамқулбой қизи Ойшабиби эса 1972 йилда, 67 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Хўжамқулбой бобом ва Умсиной момомнинг ўғиллари Азимбой, Юнусбой, Эргашбой, қизлари Турсуной ва Ойшабибилардир. Азимбой тоғам арава ясайдиган уста бўлган. У Шатра кишлоғида яшаган. Ўғли уста Мелибой кишлоғимизда ҳаёт кечирган. Тоғам Юнус полвон колхозда бош мироб бўлиб ишлаган. Тоғам Юнус полвоннинг қизи Қурбонбиби, ўғиллари Тўхташбой, Бозорбойлар невара-чеварали бўлишган.

Уруш давом этаётган йилларда Умсиной момом, онам ва мен фронтга кетган Эргашбой тоғамнинг ҳувиллаб қолган уйига кўчиб келдик. Ҳовли-жой, уй хароба бўлиб қолган эди. Момом ва онам пул йиғиб, уйларни қайтадан тиклашди.

ЖАНГЧИ ШУҲРАТИ СЎНМАГАЙ

Невара-чевараларим дам олиш кунлари ёки байрамларда уйимизнинг хоналари тугул, ховлимизга сиғмай кетишади. Аллоҳга минг бора шукр дейман, қақажонларимни бағримга босиб. Ахир, мен ёлғиз фарзандман. Бинобарин, ховлимизга сиғмайдиган даражада невара-чевараларни бериши Аллоҳнинг марҳамати, киблагоҳим, боболарим, момоларим ва онажонимнинг дуолари самараси эмасми?! Бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз учун Аллоҳ таолога, давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирмаслик инсофдан эмас.

Невараларим ўтмишни, яқин тарихимиз ҳақида билишни истаб, менга саволлар билан мурожаат қилиб туришади. Бир кун улар тоғамиз бўлмиш Эргашбой Хўжамкуловнинг Ватан озодлиги учун фашист газандаларига қарши қандай кураш олиб борганлиги билан қизиқиб қолишди:

– Опоки, Эргашбой бобомиз командир бўлишганми ёки оддий аскар эдиларми? – деб сўраб қолди Ғайратжон.

– Уруш давом этаётган пайтда мен ҳам сизларга ўхшаш бола эдим. Лекин биз, болалар ҳам жанг қандай давом этаётганлигини билардик. Шаҳар марказидаги ҳозирги янги бозорча олдида баланд симёғочга оқ радиокарнай ўрнатилган эди. Радиокарнайнинг кучайтирилган овозини районнинг барча қишлоқлари аҳолиси бемалол эшитарди. Халқимиз душманнинг тезроқ кунла яқин қилиниши, ғалаба кун яқинлашишини Аллоҳдан сўрарди. Боболарингиз Эргашбой ҳам минг-минг жангчилар сафида душманга қарши кураш олиб борган. У дастлаб оддий жангчи сифатида душман солдатларини ер тишлатган. Кейин командир бўлган деб эшитганмиз.

– Жангчиларнинг асосий қуроллари нималар бўлган? – деб

сўраб қолди Дилафрузхон.

– Дастлабки пайтларда ўқотар милтиқ жангчиларнинг асосий қуроллари бўлган. Кейинчалик янги қурол-яроғлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

– Эргашбой бобомиз нечта душманни ер тишлатишганини билмоқчи эдим, – деб қолди Қаҳрамонжон.

– Жангчи боболарингиз рўпарадан келаётган боскинчиларни аёвсиз кириб ташлайверган. Лекин қайси жангчи қанча душманни отиб йикитганлигини ҳисобга олишнинг иложи бўлмаган.

– Опоқи, ҳамтуманимиз Аҳмаджон ота Шукуров Золотарёвка тепалигини қўлга киритиш учун қилган жангда душманнинг юзга яқин солдатини автомат билан кириб ташлаганлиги «Олтин юлдуз» асарида тасвирланган-ку?

– Тўғри, командири ва жангчи дўстлари унинг жасоратини кузатиб туришган. Лекин минг-минглаб жангчиларнинг душманга берган жазоларини кузатиш имкони бўлмаган.

Аҳроржон, Гиёсхон, Адҳамжон сингари невараларим ҳам менга юкоридагидай саволлар бераверишди. Мен уларга жавоблар қайтаравердим. Невараларим жавобларимдан ўзлари кўришмаган жангчи боболарининг жанг майдонидаги эпчиллиги, зукколиги, жасурлиги сингари фазилатларини билиб олдилар. Мен савол-жавоб жараёнида нева-чевараларимнинг жангчи боболари кўрсатган жасоратлардан фахрланганликларини чуқур ҳис этдим.

Ҳа, тоғамиз Эргашбой Хўжамқулов 1942 йил қиш ойда жангга жўнаган экан. Умсиной момом ва онам тоғам йўлга чиқаётганда унга битта нонни тишлатиб, «Қолганини келганингдан кейин ейсан» деб умид қилган ва нонни уйимизнинг тўрига илиб қўйишган экан. Бу нон узоқ йиллар кўзга ташланиб турди.

Дастлабки йили тоғамдан учтами-тўрттами хат келганлигини биламан. Ана шу хатларда тоғам Кўкдўппи кишлоғилик

Нозимжон Баротов билан окопда ёнма-ён жанг қилганликлари, бир неча газандани ер тишлатганликларини баён қилган эди. Мен бу хатларни қариндош-уруғларимиз, ҳамқишлокларимизга ўқиб берганман.

Кейинчалик тоғамдан хат-хабар келмай қўйди. Умсиной момом ва онам йиғидан бош кўтаролмай қолишди. Улар алам-ларини йиғидан олишарди.

Эргашбой тоғамиз кенг кўкракли, елкадор, забардаст одам бўлганлигини яқинларимиздан эшитганман. У жанг майдонида душманга қарши қаҳрамонона кураш олиб борганлигига ишон-чим комил. Унинг ўчмас номи «Хотира» китобининг 125 саҳифасида ва Тошкент шаҳридаги фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган жангчиларга бағишлаб барпо этилган хотира майдонидаги ёдгорликка зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Ҳа, жангчининг шухрати абадий сўнмагай!

ОНАМ ДУОЛАРИНИНГ ИЖОБАТИ

Онажоним мени «Кўзимнинг қароғи» дер, кўз олдидан узоклаштирмасди. Намоз ўқиган, Куръон тиловат қилган чоғларида дуо қилар, Аллоҳдан менга узок умр, бахт-саодат тилар эди. Мен онамнинг Аллоҳга илтижо қилиб, менга ёрқин келажак тилаётганлигини чуқур ҳис этар эдим. Онажонимнинг йўл-йўриқлари, насиҳатларини тўла қабул қилар, уларни ҳаётимнинг амалий мезонига айлантирган эдим. Булар менинг серҳаракатлигим, яхши ўқишим, тенгқурларим орасидаги ибратли ишларим, ахлоқим ва одобимда кўзга ташланар экан. Яхши ҳислатларим билан қишлоғимизда оғизга тушиб кетибман. Умсиной момом тўй-маъракаларда бўлганларида аёллар менинг яхши ўқишим, ибратли ишларим ҳақида бирлари қўйиб, бирлари гапирар, ишларимга ҳавас қилар эканлар.

Ана шундай ҳолларда онам онасига қаттиқ тикилиб:

– Кўйинг, ундай гапларни олиб келманг. Аллоҳим ўғлимни ёмон кўзлардан асрасин! – деб юборарди.

– Мен боламни яхши инсон қилиб тарбиялашга ҳаракат қиляпман, – дерди онам момога қараб. – Фарзандни иймонли, инсофли, меҳнатсевар, ишбилармон қилиб тарбиялаш – ҳар бир ота ва онанинг бурчидир. Менинг болам ҳақида оғиз кўпиртириб гапириш ўрнига ўз болаларини тарбиялашсин ўша майнавозлар!

Онамнинг бундай гапларидан ўзимга хулоса чиқариб олардим. Яхши ўқиш, самарали меҳнат қилишни дилимга тугиб, ҳаётимда унга амал қилардим. Ўн икки-ўн уч ёшимда колхозда одамлар қатори ер ағдарар, гўзаларни чопиқ қилардим. Қишлоғимиздаги мактабда 7-синфни битиргач, туман марказидаги ўрта мактабда 10-синфни тамомладим. Олий маълумотли бўлиш ёки муқобил касб-хунар эгаллаш ҳақида ўйлардим. Лекин онам узок шаҳарларга ўқишга боришимга розилик бермасди. Ўйлаб-ўйлаб, темир йўл мутахассиси бўлиш ҳақида тўхтама келдим. Қўқон шаҳрида темир йўлларни таъмирловчи ва уларни давр талабига кўра мустаҳкамлаб боровчи мутахассис кадрлар тайёрлаш билим юрти фаолият кўрсатарди. Мен ана шу билим юртига ўқишга кирдим. Талабалик – инсон ҳаётининг жўшқин даври. Ўқиш давримни ана шундай тасаввур этаман. Бу бежиз эмас. Талабалик йилларимда жуда кўп дўстлар орттирдим. Улар ўзбек, рус, татар, козок, қирғиз, грек ва бошқа миллатларга мансуб кишилар эдилар. Билим берган, ҳаёт йўлини кўрсатган устозларим ҳақида тўлқинланиб гапиришим мумкин. Ахир, улар дунёнинг яратилишидан бошлаб, фан асосларини миямизга қуйиб қўйдилар-да! Темир йўлларни мустаҳкамлаш, рельсларни таъмирлаш ёки алмаштириш сингари амалий жараёнлар ўқиш билан боғлаб олиб борилди. Мен йўлдаги нуқсонларни тузатишга қаратилган фикрларим, амалий ишларим билан тилга олинардим. Ана шундай пайтларда устозларим мени бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишарди.

Ўқиб-ўрганишларим, изланишларим, билимга чанқоклигим, кизиқишларим ўз самарасини бера борди. Ўқишда ибрат бўлган жиҳатларим ҳаётим йўлини танлашда муҳим аҳамият касб этди. Билим юртини имтиёзли диплом билан яқунладим.

Ҳаётининг ўттиз йилдан кўпроқ даври биз билан бирга кечган Умсиной момом: «Сенинг камолингни, уйланиш тўйингни кўришни Аллоҳ менга насиб этса» деб дуолар қилар эдилар. Аллоҳ бу мўмин инсоннинг илтижоларини қабул қилиб, унга узок умр берди. Мен ўқишни муваффақиятли яқунлаб, «Темир йўл устаси» ихтисосини олдим.

1958 йилнинг 7 июли ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири бўлиб қолган. Чунки, шу куни мен темир йўл ишчиси сифатида ишга қабул қилиндим. Поплик Ҳамидхон Умаровни ва мени Хўжанд вилояти темир йўл бекатига йўл усталари сифатида ишга юборишди. Бекатдаги бир неча вагон ётоқжой қилинган эди. Шундай қилиб, ижтимоий фаолиятимнинг қизгин кунлари бошланиб кетди. Мен ҳар бир касбга, ҳар қайси хунарга масъулият билан ёндошган, бурчини ҳалоллик билан адо этадиган инсонларни юксак қадрлайман. Маълумоти, унвони ва бошқа имтиёзларидан қатъий назар вазифасини ҳамиша сидқидилдан бажарадиган кишилар чинакам ватан фидойилари ҳисобланадилар. Ана шундай одамлар темир йўл тизимида ҳам беҳисоб.

Эгнимизда ишчи кийими билан одамларга яқин жойларда меҳнат қиламиз. Темир йўлни таъмирлаш, кенгайиб кетган жойларини ўрнига келтириш, шпалларни алмаштириш сингари ишлар доимий вазифамиздир. Бу юмушлар ишчидан куч ва ғайрат талаб этади. Дўстим Ҳамидхон ва мен бир ғайратимизга икки-уч ғайрат қўшиб ишлай бошладик. Бир ҳафта кундузи ишласак, иккинчи ҳафтада кечаси ишлардик. Етмишга-саксонга юкли вагон тиркалган паровоз ва тепловозлар тез-тез катнади. Битта паровоз тортиб кетаётган нефть маҳсулоти ёки бошқа товар-буюмларнинг оғирлиги 4,5 минг тоннани ташкил этади.

Паровозларнинг тез ҳаракатланиши, юкнинг оғирлиги рельсларнинг кенгайиши, ёйилиши, синиши, шпалларнинг емирилиши, синиши ва чўкишига сабаб бўлади. Шу тарика темир йўл доимий равишда таъмирлаб турилади. Биз дастлабки кундан бошлаб ишга кўникиб бордик. Вагон-уйда яшаймиз. Озиқ-овкат маҳсулотлари етарли. Ўзимиз таом пиширишга одатландик. Ўша даврларда паровозлар кўмирда юрарди. Бу паровозлар ёниб бўлган кўмир қолдиғини рельс ўртасига ташлаб кетарди. Ана шу қолдикларни ҳам биз тозалардик.

Мени 1958 йил декабрь ойида Қўконга чақириб қолишди. Раҳбариятга учрашдим. Бошлиқ хонасидан шодон ҳолда чиқдим. Чунки Қароқчиқум бекати бўйича таъмирловчи ишчилар бригадаси бошлиғи вазифасига тайинланган эдим. Ҳаёт ўзи билимим ва маҳоратимини оширишимни тақозо этарди. 1968 йили Тошкент Темирйўл институтига ўқишга кирдим ва ишдан ажралмаган ҳолда уни 1974 йили тугатдим. Иш юзасидан бошқа вилоятларга командировкада бўлиб турардим. Сурхондарё вилояти Жарқўрғон бекатида хизмат қилишимга ҳам тўғри келган. 1966-70 йилларда Конибодомда, Бешарикда йўл усталари бригадаси бошлиғи бўлганман. 1979 йил сентябрь ойида йўллар масофаси бошлиғининг ўринбосари вазифасига тайинландим. 1982 йил июнь ойидан 1998 йил март ойигача йўллар масофаси бошлиғи лавозимидай юқори мансабда ишладим. Бурчимни ҳалоллик билан адо этдим. Оддий ишчининг бир неча минг киши ишлайдиган идорани узоқ йиллар бошқариши Аллоҳнинг инояти, ўзимнинг тўғрилигим, онажоним ва момом дуоларининг ижобатидир. Аллоҳ мўминларини ниятларига етказар экан. Умсиной энам менинг уйланиш тўйимни кўришга етказишини кеча-ю кундуз Аллоҳдан тилар эди. Аллоҳ энамни ниятига етказди. 1959 йил 7 март куни Офтобхон билан никоҳ тўйимиз бўлиб ўтди. Тўй шодиёнамазни кўрган онажонимнинг қалби қувончларга тўлиб кетди.

Умр йўлдошим Офтобхон билан тотув ҳаёт кечирдик.

Мен хизматим юзасидан каерда бўлсам, у ҳам мен билан бирга бўлди. Уч ўғил, тўрт қизни тарбиялаб, ўқитиб, уйли-жойли қилдик. Анваржон менинг изимдан бориб, темир йўлчи касбини эгаллаган, Қўкон шахрида яшайди. Абборжон Бешарик пахта заводида, Акрамжон ҳам темир йўл соҳасида ишлайди, Лолахон – чевар, Ҳавохон -- ўқитувчи, Ҳанифахон ва Гулчехраҳонлар - тарбиячи бўлиб ишлашади. Келинларимдан Азизахон, Фотимахон – ўқитувчи, Севарахон – шифокор.

Мени йигирмадан ортик невара-чевараларга мушарраф этгани учун Аллоҳга беадад шукроналар келтираман. Айтишим жоизки, Офтобхон оғир касалликка чалиниб қолди. Уни даволатишга имконим борица ҳаракат қилдим. Андижон, Тошкент ва бошқа шаҳарларга кўп марта олиб бордим. Афсуски, уринишларим бесамар кетди, у ҳаётдан кўз юмди. Аллох чин дунёсини обод айласин!

Бир жойда узоқ йиллар меҳнат қилиб, эл ҳурматига сазовор бўлишимда хизматлари сингган, устозларим ҳамкасбларим, меҳнат фахрийлари номларини эҳтиром билан тилга оламан. Ана шундай устозларимдан Мусабеков Ҳакимжон Негматович, Водуд Набиевич Сайфулин менга иш ўргатганлар. Ана шулар каторида Адхамжон Акбаров, Қодиржон Қудратов, Ҳамиджон Мирзааҳмедов, Йўлдошали Исаев, Шокиржон Маматаюпов, фахрийлардан Алижон Ҳайдаров, Ёқубжон Бойназаров, Абдураҳим Султоновларни юксак кадрлайман.

АНДИЖОНЛИК ҚАРИЯНИНГ АЙТГАНЛАРИ

1963 йил эди.

Мен Маҳрам бекатида ишчилар бригадаси бошлиғи бўлиб ишлардим. Рафиқам Офтобхон билан тўрт хонали уйда истикомат қилардик. Онам бизни тез-тез кўришни истарди. У бизни кўргани боришини айтиб юборган эди. Мен Андижон-Душанбе поезди келишини сабрсизлик билан кутдим. Поезд келди. Онажонимни бағримга олдим. Икки дақиқадан кейин поезд жўнаб кетди. Онажоним бир воқеа ҳақида сўзлаб берди.

Проводник Рапкон темир йўл станциясидан 6-вагонга чиққан онамни 2-купедаги бўш жойга ўтиришига таклиф қилибди. Онам проводникнинг кўрсатган жойига жойлашибди. Сал ўтмай поезд жўнабди. Ўнг томондаги ўриндикда келаётган нуроний киши онамдан «Бу жой қаер?» деб сўрабди. Ўзи Андижон шаҳрида яшар, Душанбе шаҳрига кетаётган экан.

– Бешарик, – деб жавоб берибди онам.

– Бу ерда Гамбай деган қишлоқ борми, синглим? – деб сўрабди андижонлик.

– Ҳа. Шундай қишлоқ бор, – жавоб берибди онам.

Бу жавобни эшитган қария Қуръон тиловат қилибди. Дуосининг охирида, ушбу тиловатнинг савобини Эргашбой бойваччанинг руҳига бахшида этдим, Аллоҳим, унинг охиратини обод айлагин, фарзандларининг бахти-камolini бергин, – дебди.

– Қайси Эргашбой бойваччани айтяпсиз? – деб сўрабди онам.

– Гамбайлик Эргашбой бойваччани айтяпман, – деб таъкидлабди йўловчи.

– Мен ўша одамнинг рафиқаси бўламан, – дебди онам. Уч ойлик гўдагим билан колган эдим. Ана шу ўғлим уйланиб, те-

мир йўлда ишляпти. Ҳозир унинг уйига кетяпман, – дебди.

– Эргашбой бойвачча вафот этган. Мен уни кабрга қўйганман, – дебди андижонлик.

Онам ҳўнг-ҳўнг йиглаб юборибди. «Сизлар каерда эдиларинг?», «У касал бўлдим, нима бўлди?», «Қайси кабрстонга қўйилди?», «Сизнинг исми-шарифингиз нима?», «Манзилингиз қандай?» деган саволлар изтиробда ёнаётган онамнинг хаёлига ҳам келмабди. Аксига олиб йўловчи ҳам бу ҳақда индамабди. Агар поезд жўнамасдан олдин билганимда мен ўша одам билан бирга бориб, маълумотларни олган бўлардим. Бу масала ҳам менда армон бўлиб қолди. «Отам Сибирга олиб кетилганими, Украинага ёки Шимолий Кавказга сургун қилинганми?», «Унинг хоки каерда?» деган саволлар эсимни таниганимдан бери миямда чарх уради.

ОТАМНИНГ ИЗЛАРИНИ ИЗЛАБ...

Отамнинг дийдорини кўриш, унинг меҳрига қониш менга насиб этмади. Орган ходимлари тун ярмида уйдан олиб чикиб, аравага ўтказаётганида маҳалладошларга қараб:

– Бизнинг ҳам елкамизга офтоб тегиб қолар, – деб умид қилган экан. Лекин, инсон ҳуқуқини поймол қилишга асосланган Шўро ҳукумати отам сингари ноҳақдан ҳибсга олинган сон-саноксиз фуқароларнинг елкаларига офтоб тегишига имкон бермади. Отам шу тарика бедарак йўқолди. Мен болалик чоғимдан бошлаб отамнинг изларини излаб, унинг каерда бўлганлигини аниқлаш, ўша жойларда бўлиш, қандай ишлар билан шуғулланганини билиш, ҳаётдан кўз юмган бўлса, қайси кабрстонга дафн қилинганлигини аниқлаш, бошида Қуръон тиловат қилиш, бир ховуч хокидан олиб келиш ва уни кабрстонимизда қайта дафн қилишни ният қилган эдим.

Ёшим улғайиб, иқтисодий имкониятим ортгани сайин бу

ниятим реал ҳақиқатга айлана борди. Маблағ йиға бошладим. Мақсадимни бирга ишлайдиган кўконлик дўстим Меликўзи Очилдиевга айтган эдим, садоқатли дўстим мени кўллаб-куватлади.

– Эзгу ишни мақсад қилибсиз, – деб мени бағрига босди Меликўзи. – Падари бузрукворингизнинг кадамлари теккан жойларни топишда мен сизга ҳамроҳ бўламан.

Меликўзи гапининг уддасидан чиқадиган бир сўзли йигит. Мен унга ишонаман. Биз меҳнат таътилимизни бир кунда олиш ҳақида бошлиғимиз билан келишиб олдик. Сафарга 1960 йил 5 октябрь кун чикишни режалаштирган эдик. Айтилган кун келди. Биз отам биринчи марта олиб кетилган йўлдан боришга қарор қилган эдик. Негаки, қариндош-уруғларимиз «Кейинги сафар ҳам Озарбайжонга олиб кетишган бўлса керак» деб тахмин қилишарди. 5 октябрда Қўқон темир йўл станциясидан вагонга ўтирдик. Бухоро, Хоразм, Туркменистонга боришаётган фарғоналик, марғилонлик, олтиарикликлар билан танишиб олдик. Халкимизнинг: «Юрган – дарё, ўтирган бўйра» деган мақоли ҳақ гап экан. Поезд бир маромда бормоқда. Узоқ жойларга биринчи сафаримиз завқ-шавкли, ҳаяжонли кечяпти. Бамисоли дарёдай оқиб бораётганга ўхшаймиз. Кўз олдимизда янги шаҳарлар намоён бўляпти. Юртларни, боғ-роғларни, сўлим гўшаларни кўриб кўзлар қувнайди, диллар яйрайди. Янги танишларимиз билан ҳазилу-мутойиба, аския қилиб, кўнгилларимизни кўтариб бордик.

Поезддан поездга алмашиб, икки кунда Ашхободда бўлдик. У ердан денгиз қирғоғидаги Красноводск шаҳрига йўл олдик. Бокуга қатнайдиган пароходни кечгача кутишимизга тўғри келди. Кемага ўтиришимизга олти соат вақт бор эди. Шу вақтни беҳуда ўтказмасдан Красноводск шаҳрида яшовчи амалдорлардан, қариялардан қатағон қилинганлар қаерларга жўнатилганлиги, уларнинг тақдири нима бўлганлигини суриштириш ҳақида дўстим билан келишиб олдик. Шундай қилдик ҳам. Тур-

ли миллат вакилларига мансуб бўлган йигирма чоғли кишиларга мурожаат қилдик. Афсуски улар: «Қатағон қилинганларни шу ердан олиб кетганларини кўрганмиз», «Қатағонларни шу ердан олиб кетганикларини эшитганмиз» деган гапдан бошқа асосли фикр билдиришмади. Кечкурун кемага чиқдик. Кемада йўловчилар унчалик кўп эмас эди. Бемалол кетдик. Ошхонада таомлар тайёр. Телевизор, радио ишлаб турибди. Кема Каспий денгизида бир кеча бир кундуз сузди. Қоронғу тушган пайтда паромга етиб келдик. Бизни кадрдоним Маҳмуд кутиб олиб, уйига олиб борди. У бизни меҳмон қилди. Унинг уйида бир ҳафта яшадик. Биз Маҳмуднинг қариндош-уруғларидан қатағон қилинганлар каерларда ишлаганликлари, уларнинг тақдири қандай кечганлигини сўрадик. Бирок улардан жўяли бир жавоб чиқмади. Озарбайжоннинг бир неча шаҳарлари ва районларида бўлдик. Боқудан тўксон километр жанубдаги Мардакян деган жойга ҳам бордик. Айтишларича, отам ва онам дастлаб мана шу жойда меҳнат қилишган экан. Маълум бўлишича, қатағон қилинганларнинг бир гуруҳи мана шу жойда отиб ташланган экан. Мен қабрлардан бирининг ёнидан бир ҳовуч тупроқ олиб, халтага солиб, сумкамга жойлаб олдим. Лекин бу ҳок отам ётган жой заминидан эканлигига ишончим комил эмасди.

Боқу шаҳридаги салобатли бир масжидга кирдик. Ноёб мсьморчилик услубида тикланган бу масжид ниҳоятда чиройли экан. Бинонинг учта бурчагида учта қори Қуръон тиловат қилиб ўтирибди. Биз ўнг томондаги қорининг ёнига бориб, отамнинг руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилишини сўрадик. У киши илтимосимизни бажо келтирди. Иккинчи ва учинчи қорилар ҳам илтимосимни адо этишди. Лекин ана шу қорилар ҳам қатағон қурбонлари ҳақидаги саволларимизга жавоб бера олишмади. Отамнинг изларини излашда давом этдик. Учинчи ҳафтада Грузияга ўтдик. Бу бежиз эмас эди. Ўзбекистондан сургун қилинганларнинг қатта гуруҳи грузин заминига ташланганлигига таърих гувоҳ. Биз бир ҳафта давомида отамнинг изларини кидириш

билан банд бўлдик. Лекин Грузия Республикасида қатагон қурбонларининг мазорлари, қабрларидан ном-нишон топмадик.

Шундан сўнг Москвага йўл олдик. Бинобарин, ҳамюртларимиз Москванинг шимолий, ғарбий ҳудудларига ҳам бадарга қилинган эди. Шунинг назарда тутган ҳолда бир неча кун давомида уездларда, районларда бўлдик. Ўрмонзорлар, қайинзорларда кездик. Юзлаб одамлар билан гаплашдик. Улар бу зонага одамлар сургун қилинганликларини айтишди, лекин тақдирлари қандай кечганлигини айтиб бера олинмади.

Отам изларини кидириш жисмимга куч, ғайратимга-ғайрат бахш этар эди. Мақсадим йўлида чарчамаслигим, толмаслигимга ишонардим. Бу сафар Волгабўйи районлари, Украина Республикаси, унинг Херсон, Николаев вилоятлари, Шимолий Кавказ водийси районларида бўлишни режалаштирдим. Айтиб қўяйки, менинг мақсадим, шаҳарларни, тоғ ва дараларани кўриш эмас, балки қиблагўхим ҳақида, унинг кечмиши ҳақида маълумотлар йиғиш, иложи бўлса қабрини аниқлаб, зиёрат қилиш эди.

Орадан уч йил ўтгач, 1963 йили август ойида ягона мақсадим — отамнинг изларини ўпиш учун навбатдаги сафарга жўнадим. Москвага ота поездда бордим. У ердан Волгабўйи районларига йўл олдим. Дарё қирғогидаги шаҳарларда, район ва қишлоқларда бўлдим. Одамлар сургун қилинганлар бу ерда бўлганликларини, лекин уларнинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч нарса билмасликларини айтишди. Сўнгра Минвода, Пятигорск, Ессентуки, Кисловодск шаҳарларини кездим. Шу йўналишда Эльбрус тоғи этагигача кўтарилдим. Йўлда бир қари кампир билан суҳбатлашиб қолдим. Бу онахон шу ердан саксон километр масофада Моздок деган шаҳарча борлигини, унга яқин хуторларга ўзбеклар сургун қилинганлигини айтди.

Электропоездда изимга қайтдим. Дарҳақиқат, Моздок гўзал шаҳарча экан. Шаҳардан 70-80 километр узоқда хуторлар борлигини айтишди. Лекин ана шу хуторларга сургун қилинган кишилар 8-10 йилдан кейинок қайтиб кетишганлиги маълум бўлди.

Йўналишим Украина Республикасига қаратилди. Киев шаҳрида бўлганимдан кейин Херсон областига ўтдим. Бу республикага жуда кўп ўзбеклар бадарға қилинганлигини билардим. Сўраб-суриштиришларим натижасида Херсон ва Николаев областларига Марғилон шаҳри, Тошлок ва Ёзёвон районларида яшаган мулкдорлар жўнатилганлиги маълум бўлди. Херсон шаҳрида бўлганимда тўқсон километр ғарбий-жанубий ҳудудда Марғилон шаҳри ва Тошлок районларидан бадарға қилинганлар яшаганликларини айтиб беришди. Боришга аҳд қилдим. Дарҳақиқат, ўша ҳудудда кичик қабристон қолган экан. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу ерда Марғилон шаҳрининг Машад гузари, Тошлок туманидан бадарға қилинган мулкдорлар исканжа остида яшаган эканлар, улар орасида катта мулкдор ва ислом динини мукамал биладиган Каримбердибой ёки Каримберди махсум ҳам бор экан. Бу киши бутун оиласи – рафиқаси, кизи ва икки ўғли билан сургун қилинган экан. Каримберди махсум бошчилигида шу ерда қабристон ташкил қилинибди. Бир неча мусулмонлар, шу жумладан Каримберди махсумнинг қабри шу ерда экан. Мен шу ерда ётган мўминлар руҳиятига Қуръон тиловат қилдим.

БУРЧИМ АДО ЭТОЛСАМ

*Отасизим, мен Сизнинг дийдорингиз кўрмадим,
Сиз билан биргаликда давру даврон сурмадим.
Оғир дам бошингизда ҳамдарад бўлиб турмадим,
Билмам, Ота, қаерларда, қай ҳолатда ётибсиз?..*

*Изларингиз излаб бўлдим ўзга юртларда сарсон,
Чарчамадим, умид қилдим дийдорингиз кўрмоқни.
Мелиқўзи дўстим бўлди дардимга дармон,
Билмам, Ота, қаерларда, қай ҳолатда ётибсиз?..*

*Россиянинг туманлари, ўрмонлари қолмади,
Шаҳарларин барчасини кезиб чиқдим бирма-бир,
Яратганим сабр берди, оёқларим толмади,
Билмам, Ота, қаерларда, қай ҳолатда ётибсиз?..*

*Согинч билан яшайман, ҳамон қўмсайди юрак,
Қани эди, фарзандлигим – бурчим адо этолсам.
Орамизда гўё Ватан бағридасиз Сиз бешак,
Деймиз, Ота, Она юртнинг тупроғида ётибсиз!*

ХОТИМА

Болалик чоғимдан, хусусан ҳаётни англай бошлаган талаба-лик йилларимдан эътиборан онам, энам ва ҳамқишлоқларимдан эшитганларимни баҳоли-қудрат қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Бу рисола ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида собиқ шўролар юртида ҳукм сурган миллатнинг илғор кишилари – зиё-лилар, ер-мулк эгалари, ўртаҳол деҳқонларни оммавий қатағон қилишга қаратилган қаттол сиёсат ҳақида гувоҳлик берувчи асосли ҳужжат тарзида тарихда қолишига ишончим комил. Фарзандларим, неvara-чевараларим, ёш авлод мазкур рисола ни ўқиб, қанчалаб беғуноҳ инсонлар йўқ қилиб юборилганликлари ёки узок жойларга бадарға қилинганликларини кўз олдиларига келтирадилар ва ўзига «Халқлар дохийси» деган ном қўйдирган Сталиннинг қилмишларига баҳо берадилар деб ўйлайман.

Мундарижа

<i>Яқин тарихимиз кўзгуси.....</i>	<i>3</i>
<i>Фахр-ифтихоримиз.....</i>	<i>5</i>
<i>Зиёратчиларнинг қалб сўзлари.....</i>	<i>6</i>
<i>Қишлогим – ватаним.....</i>	<i>9</i>
<i>Саховатли қалб соҳиблари.....</i>	<i>12</i>
<i>Инсон ҳуқуқига ҳурмат қани?.....</i>	<i>17</i>
<i>Жон сақлаш йўли.....</i>	<i>19</i>
<i>Тундаги босқин.....</i>	<i>24</i>
<i>Бўрибой қандай омон қолган эди?.....</i>	<i>28</i>
<i>Сургундаги кечмишлар.....</i>	<i>32</i>
<i>Ибрат намунаси.....</i>	<i>37</i>
<i>Халқ бошига ёғилган кулфат.....</i>	<i>40</i>
<i>Гуноҳсиз «гуноҳкорлар».....</i>	<i>44</i>
<i>Маломат ёғдирилган ёшлигим.....</i>	<i>46</i>
<i>Жангчи шуҳрати сўнмагай.....</i>	<i>49</i>
<i>Онам дуоларининг ижобати.....</i>	<i>51</i>
<i>Андижонлик қариянинг айтганлар.....</i>	<i>55</i>
<i>Отамнинг изларини излаб.....</i>	<i>57</i>
<i>Бурчим адо этолсам.....</i>	<i>61</i>
<i>Хотима.....</i>	<i>62</i>

Адабий-бадний нашр

ТУРДИБОЙ ЭРГАШЕВ

ОТАМШИҒ ИЗЛАРИШИ ИЗЛАБ...

Лавҳалар, хотиралар, очерклар

Мухаррир А. Содиқов

Техник муҳаррир У. Жабборов

Саҳифаловчи дизайнер О. Фазилова

Нашриёт лицензияси АЛ № 162, 08.14.2009 й.

Теринга 30.05.2012 й. да берилди. Босинга руҳсат 20.06.2012 й. да

этилди. Бичими 60x84^{1/32}. Офсет босма. «Times» гарнитураси

Шартли б.т. 2,25 Нашр-ҳисоб т. 4,0 Адади 500 нусха.

Буюртма № 875.

«ФАРҒОНА» нашриёти.

150114, Фаргона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28

«Сапо-стандарт» МЧЖ босмахонаси.

Тошкент шаҳри, Широк кўчаси, 100 -уй